

Қашқадарё вилояти Соғлиқни сақлаш
бошқармаси ва Ўзбекистон Соғлиқни
сақлаш ходимлари касаба уюшмасининг
Қашқадарё вилояти кенгаши раёсатининг

2021 й. «28» 06 № 1

2021 й. «28» 06 № 1

Қашқадарё вилояти Соғлиқни сақлаш бошқармаси
ва Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмасининг
Қашқадарё вилояти кенгаши ўртасида тузилган

Худудий тармоқ келишуви

I. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1.1. Қашқадарё вилояти Соғлиқни сақлаш бошқармаси (бундан кейин матнда “Бошқарма” деб юритилади) ва Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси Қашқадарё вилояти кенгаши ўртасида (бундан кейин матнда “Вилоят кенгаши” деб юритилади) Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, Меҳнат кодекси (бундан кейин матнда “МК” деб юритилади) ва Ўзбекистон Республикасининг “Ижтимоий шериклик тўғрисида”ги, “Касаба уюшмалари тўғрисида”ги, “Жамоатчилик назорати тўғрисида”ги Қонунлари, Тармоқ касаба уюшмаси Устави, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши, Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси ўртасида ижтимоий-иқтисодий масалаларга оид тузилган “Бош келишув” (бундан кейин матнда “БК” деб юритилади) ва худудий тармоқ келишув (бундан кейин матнда “ТК” деб юритилади)га асосан тузилган ушбу Келишув қуйидаги йўналишларни ўз ичига олади:

- меҳнатга ҳақ тўлаш, меҳнат шартлари ва уни муҳофаза қилиш, меҳнат ва дам олиш тартиби;

- нархларнинг ўзгариб боришига, инфляция даражасига, келишувда белгилаб қўйилган кўрсаткичларнинг бажарилишига қараб меҳнатга ҳақ тўлашни тартибга солиш механизми;

- энг кам миқдордаги қонун ҳужжатларида назарда тутилган компенсация тарзидаги қўшимча тўловлар;

- ходимларнинг ишга жойлашишига, уларни қайта ўқитишга қўмаклашиш;

- экология жиҳатидан хавфсизликни таъминлаш ҳамда ишлаб чиқаришда ходимларнинг соғлиғини муҳофаза қилиш;

- ходимлар ҳамда уларнинг оила аъзоларини ижтимоий ҳимоя қилиш бўйича махсус тадбирлар;

- давлат муассасаларини хусусийлаштириш чоғида ходимларнинг манфаатларига риоя қилиш;

- ногиронлар ва ёшлар (шу жумладан ўн саккиз ёшга тўлмаган шахслар) меҳнатидан фойдаланиш мақсадида улар учун қўшимча иш жойлари ташкил этувчи муассасаларга берилган имтиёзлар;

- ижтимоий шериклик асосида ўзаро икки тарафлама ҳамкорликни ривожлантириш, жамоа шартномаларини тузишга қўмаклашиш, меҳнат низоларининг олдини олиш, меҳнат интизомини мустаҳкамлаш;

- ходимларни турмуш даражасини пасайишини олдини олиш ижтимоий-иқтисодий кафолатларини таъминлаш, уларнинг ҳуқуқларини ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш;

- қонунлар ва бошқа норматив ҳужжатлар билан белгиланган нормалар ва қоидаларда кўрсатилганидан имтиёзлироқ меҳнат шартлари ва ижтимоий-иқтисодий шартлар киритиш;
- ходимларнинг ҳуқуқий билимларини ва маданиятини, маънавий-маърифий савияларини ошириш, тиббиёт деонтологияси ва этика тамойилларига амал қилиш борасида чора-тадбирларни амалга ошириш ва семинарлар ташкил қилиш;
- муассасалар, корхоналар, ташкилотларда (бундан кейин матнда “Муассаса” деб юритилади) ходимларнинг меҳнатини ва саломатлигини муҳофаза қилишни таъминлаш;
- касаба уюшма ташкилотларига қонунчиликда белгиланган ваколатлар бериш ва уларнинг фаолияти учун шароит яратиш.

1.2. Келишув 2021-2023 йилларга тузилиб, тарафлар томонидан имзолангандан сўнг вилоят Бандлик бош бошқармасидан рўйхатдан ўтган кундан кучга киради ва янгиси қабул қилингунга қадар амалда бўлади. Мазкур йиллар давомида томонлар Келишувнинг бандларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритишлари мумкин. Улар томонларнинг розилигига кўра қабул қилинади.

1.3. Мазкур Келишув шартлари Бошқарув тасарруфидаги мулкчилик шаклидан қатъи назар, барча муассаса ва ташкилотлар (кейинчалик муассаса деб юритилади)да меҳнат муносабатларида турган иш берувчилар ва барча ходимларга, шу жумладан келишув кучга киргандан кейин ишга қабул қилинган шахсларга ҳам татбиқ этилади.

Муассасаларда ушбу келишув асосида жамоа шартномалари тузилади. Жамоа шартномалари бандларида белгиланган имтиёзлар ушбу келишувда белгиланган имтиёзлардан кам бўлишига йўл қўйилмайди.

1.4. Бошқарма тасарруфидаги муассасаларда ишловчи ходимларнинг ижтимоий-иқтисодий, меҳнатга оид ҳақ-ҳуқуқларига амал қилиниши, уларга муносиб меҳнат шароитлари яратиш бўйича МК, амалдаги қонунлар, Ўзбекистон Республикаси Президенти Қарор ва Фармонлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар, Халқаро меҳнат ташкилотининг (бундан кейин матнда “ХМТ” деб юритилади) Ўзбекистон Республикаси томонидан ратификация қилинган Конвенциялари талабларига қатъий риоя этилиши шарт.

1.5. *Томонлар ходимларнинг меҳнат, меҳнатни муҳофаза қилиши, ижтимоий-иқтисодий, маънавий, интеллектуал ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиши, маданий-оммавий, спорт-соғломлаштириши, касбий маҳоратни ошириши ишларини ривожлантиришида ижтимоий шерикликлар сифатида биргаликда тадбирларни ташкил этиши ва ўтказиши, ижтимоий-иқтисодий ривожлантириши дастурларида белгиланган вазифаларни ҳал этишига қаратилган лойиҳаларни, шунингдек норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқиши ва амалга ошириши юзасидан ўзаро ҳамкорлик қиладилар.*

1.6. *Икки томонлама ижтимоий шерикликни таъминлаш учун:*

- *Вилоят Кенгаши раисини вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси тиббий коллегияси таркибига киритилиши;*
- *Бошқарма вакили вилоят Кенгаши Раёсати аъзолигига киритилиши;*
- *касаба уюшма бошланғич қўмиталари, бирлашган қўмиталари бошқарув органларига киритилиши таъминланади.*

1.7. *Вилоят Кенгашининг ижтимоий-иқтисодий ривожлантириши дастурлари ва ходимларнинг меҳнатга оид ҳақ-ҳуқуқлари ҳамда манфаатларига оид норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини, шунингдек ушбу лойиҳаларга доир таклифларни тайёрлашда, уларни Бошқарма органи ҳузуридаги ишчи гуруҳлар, комиссиялар ва жамоатчилик-маслаҳат органларининг мажлисларида кўриб чиқишида касаба уюшма органлари вакилларининг иштирок этиши таъминланади.*

1.8. *Бошқарма тасарруфидаги муассасалар раҳбар ходимларига малака тоифаларини бериш ва уларни аттестациядан ўтказиш бўйича аттестация саволларига ижтимоий шериклик, ходимларни ижтимоий муҳофазалаш, меҳнат қонунчилиги ҳамда ХМТнинг Ўзбекистон Республикаси томонидан ратификация қилинган Конвенциялари ҳақида саволларни киритиб борилади.*

1.9.Томонлар ўз ваколатлари доирасида иккинчи томонни ўқув-услубий, ахборот, маслаҳат ва ташкилий жиҳатдан ўзаро қўллаб-қувватлайди. Тизимга киритилаётган янгиликлар ҳақида бир-бирларини хабардор қилиб борадилар.

1.10.Вилоят Кенгаши мутахассислари иштирокида бошқарма тизимидаги раҳбар шахслар ва масъул ходимларнинг муассасаларда ижтимоий шериклик тамойиллари, ходимларни ижтимоий-иқтисодий химоялаш, меҳнат қонунчилиги ва меҳнат муҳофазаси масалалари бўйича учрашувлар, давра суҳбатлари ўтказиб борилади.

1.11.Тармоқ иш берувчилари томонидан ходимларнинг ёзма розилиги билан касаба уюшма аъзоларининг иш ҳақлари (асосий ва ўриндошлик иш ўрнидан қатъий назар)дан 1 фоиздан кам бўлмаган аъзолик бадалларини муассаса бухгалтерияси орқали пул ўтказиш йўли билан касаба уюшма ташкилотлари ҳисоб рақамига ўтказиб берилишини таъминлайди.

1.12. Касаба уюшма қўмиталарига сайланган ходимлар учун қуйидаги кафолатлар сақлаб қолинади:

- асосий ишдан озод этилмаган касаба уюшма қўмиталарининг раисларига жамоа манфаатлари йўлидаги ишларни бажариш учун ўртача иш ҳақи сақланган ҳолда бўш вақт ажратиш;

- қисқа муддатли касаба уюшма ўқувлари ҳамда касаба уюшма ташкилотлари ишида иштирок этган даврида ўртача иш ҳақини сақлаб қолиш;

- иш берувчи асосий ишдан озод этилмаган ҳолда муассаса касаба уюшма қўмитаси раиси лавозимига, қўмита аъзолигига сайланган ходимларнинг юқори касаба уюшма ташкилотлари томонидан ташкил этилаётган ўқувлар, маданий-маърифий ва спорт йўналишидаги тадбирларда иштирок этишлари билан боғлиқ қисқа муддатли (бир ҳафтагача) хизмат сафари харажатларини (бориш ва келиш, суткалик харажатлар, меҳмонхонада яшаш ва ҳ.к) муассаса ҳисобидан қоплаш;

- касаба уюшмаси органи талаб қилганда унга меҳнат ҳамда ижтимоий-иқтисодий ривожланиш билан боғлиқ масалалар юзасидан маълумотлар тақдим этиш;

- касаба уюшма сайланма органларидаги лавозимларга сайланганликлари туфайли асосий ишдан озод қилинган ходимларга сайлов ваколатлари тугагандан сўнг аввалги ўз ишини (лавозимини) бериш, бундай иш (лавозим) бўлмаган тақдирда ходимнинг розилиги билан аввалгисига тенг келадиган бошқа иш (лавозим) тавсия қилиш;

- мутахассислик бўйича узлуксиз иш стажини сақлаб қолиш;

- малака тоифасини унинг амал қилиш муддатига сақлаб қолиш;

- касаба уюшмаси органининг Уставида белгиланган фаолиятини амалга ошириш учун уни муассаса маъмурияти биносидан хона, мебел ташкилий техника, алоқа воситалари, интернет, канцелярия товарлари билан бепул таъминлаш;

- ХМТнинг Ўзбекистон Республикаси томонидан ратификация қилинган Муассасада меҳнаткашлар вакилларининг ҳуқуқларини химоя қилиш ва уларга бериладиган имкониятлар тўғрисидаги 135-Конвенция талабларига риоя этилишини таъминлайди.

Иш берувчилар томонидан касаба уюшма органларига сайланган ходимларга (қўмита аъзоларига) муассаса ходими сифатида жазо тайинлашда шу органининг олдиндан розилигини олмасдан, касаба уюшмаси ташкилоти раҳбари (раиси)га юқори турувчи касаба уюшмаси органининг олдиндан розилигини олмай туриб интизомий жазо тайинланишига йўл қўйилмайди.

Касаба уюшма органларига сайланган ходимларга муассасадаги иш фаолиятини уларнинг сайлов ваколатлари тугагандан сўнг 2 йил давомида иш берувчининг ташаббуси билан ишдан бўшатилишига маҳаллий меҳнат органларининг олдиндан розилигини олмай туриб йўл қўйилмайди.

1.13. Ҳудудий келишувининг бажарилишини муҳокама қилиш, янгисини қабул қилиш ёки қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш хар йилнинг январ ойида бошқарма хайъати ёки ҳудудий кенгаши раёсати йиғилишларида, муассасаларда жамоа шартномаларининг бажарилишини муҳокама қилиш, янгисини қабул қилиш ёки қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш хар йилнинг биринчи чорагидан кечикмаган ҳолда муассасаларнинг умумий йиғилиши (конференцияси) да муҳокама этилади.

1.14. Бошқарма ва тасарруфдаги ташкилотлар иш берувчилари ишчи-ходимлар манфаатига дахлдор қарорлар қабул қилишдан олдин Республика Кенгаши ва тармоқ касаба уюшмасининг жойлардаги органлари билан маслаҳатлашишлари шарт.

1.15. *Муассасаларда меҳнат қонунчилиги бузилишига йўл қўйган иш берувчилар томонидан мазкур қонун бузилиши бартараф этилмаган ҳолларда, суд органларига мурожаат қилишдан олдин, муассасаларнинг юқори органлари билан ижтимоий шериклик ва мулоқот асосида мазкур қонун бузилиши бартараф этилади.*

1.16. *Томонлар Вазирликнинг “Соғлиқни сақлашни ташкил этиши ва бошқариши” журнаliga ҳамда касаба уюшмалари Федерациясининг «Ишонч» ва «Ишонч-Доверие» газеталарига обунани ташкил этиши юзасидан ўзаро ҳамкорлик қиладилар.*

1.17. *Тармоқ касаба уюшмаси ҳудудий кенгашилари ва бошланғич ташкилотларига ўз фаолиятларига оид доимий ва узоқ вақт (10 йилдан кўпроқ) сақланадиган ҳужжатларни сақлаш учун бошқарма ва муассасаларда ташкил этилган идоравий архивлар хизматидан безараз фойдаланишига рухсат этилади.*

1.18. Бошқарма ва унинг тизимидаги барча муассасаларда ходимларнинг лавозимга лаёқатлилигини аниқлаш бўйича аттестация комиссиялари таркибига тармоқ касаба уюшмасининг вакиллари албатта киритиши шарт.

1.19. *Тармоқ иш берувчиларига муассаса касаба уюшма бошланғич ташкилотида фаолияти учун, шунингдек касаба уюшма кўмиталарининг ходимлар манфаатига доир харажатлари учун ўзининг бюджетдан ташқари тушган маблағлари хисобидан моддий кўмак кўрсатишига йўл қўйилади.*

1.20. Меҳнат жамоасида ишлаб пенсияга чиққан ходимларга доимий ғамхўрлик қилиш, уларга зарурий ижтимоий ва моддий ёрдам кўрсатиш, уларнинг меҳнат жамоаси ҳаётида фаол иштирок этишларини таъминлаш, кекса авлод вакилларининг билими ва тажрибасидан фойдаланиш, мазкур йўналишдаги ишларни тизимли йўлга қўйиш ва самарадорлигини ошириш мақсадида вазирлик тасарруфидаги барча муассасаларда “Фахрийлар Кенгаши” ташкил этилади.

1.21. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 28 декабрдаги “Кексалар ва ногиронларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тизимини янада такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-2705-сонли Қарорини амалга оширишга ҳар томонлама кўмаклашилади.

1.22. Тизимдаги ташкилот ва муассасалар Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 30 июлдаги “Одам савдосига ва мажбурий меҳнатга қарши курашиш тизимини янада такомиллаштиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-5775-сон Фармони ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 10 майдаги “Ўзбекистон Республикасида мажбурий меҳнатга барҳам беришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 349-сонли қарорига тўлиқ риоя этиш мажбуриятларини ўз зиммасига олади.

II. МЕҲНАТ ШАРТНОМАСИ, БАНДЛИК КАФОЛАТЛАРИ

Бошқарманинг мажбуриятлари:

2.1. Ишчи ходимларнинг касблари, малакалари ва улар билан тузилган меҳнат шартномаларига мувофиқ бандлиги таъминлайди.

2.2. Тармоқда иш берувчилар томонидан ходимлар билан тузилган меҳнат шартномасини МКнинг 100-моддаси II қисми 1,2,3,4,7 бандларига асосан бекор қилишда қоида тарзида муассаса касаба уюшма кўмитасининг олдиндан розилигини олмай туриб бекор қилинишига йўл қўйилмайди. Муассасанинг бутунлай тугатилиш ҳолатлари бундан мустасно.

2.3. *МКнинг 100-моддаси 2- қисми 7-банди бўйича (ходимнинг пенсия ёшига етиши ва пенсия олиш ҳуқуқига эга бўлиши сабабли)меҳнат шартномаси бекор қилинишида ходимнинг меҳнат унумдорлигини инобатга олиниши шарт.*

2.4. Тармоқ муассасалари жамоа шартномаларида таълим муассасаларида ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда ўқиб, ўқув режасини бажараётган ходимларга ҳақ тўланадиган қўшимча таътиллар бериш, қисқартирилган иш ҳафтасини жорий этиш ва бошқа қўшимча имтиёзлар киритилади.

2.5. 18 ёшга тўлмаган шахсларни ишга қабул қилишда ва уларнинг меҳнатидан фойдаланишда ХМТнинг Ўзбекистон Республикаси томонидан ратификация қилинган “Ишга қабул қилиш учун энг кичик ёш тўғрисида”ги 138-Конвенция ва “Болалар меҳнатининг оғир шакллари таъқиқлаш ва йўқ қилишга доир шошилинч чоралар тўғрисида”ги 182-Конвенциялари талабларига риоя этилишини таъминлайди.

2.6. Ходимларни (кадрларни) тайёрлаш ва уларнинг малакаларини ошириш бўйича мунтазам равишда иш олиб боради.

2.7. Тармоқда яширин ишсизлик ҳолатларига йўл қўймастик, муассасаларнинг қисқартирилган иш режимида ишловчи ходимлари учун ҳам мазкур келишувда кўзда тутилган ҳуқуқ, имтиёз ва кафолатларни сақлайди.

2019 йил 1 февралдан бошлаб Бошқарма тизимидаги барча муассасаларда қоида тариқасида асосий иш жойига тиббиёт ходимларини фақат тўлиқ ставкага ишга қабул қилиш тартиби белгиланади.

Муассасанинг вақант бўлган иш ўринларини биринчи галда тўлиқсиз ставкада ишлаётган ходимлар ҳисобига уларнинг эҳтиёжидан келиб чиққан ҳолда қоплайди.

Мазкур қоида ходимнинг ўзининг асосий ишидан бўш вақтида меҳнат шартномаси асосида бошқа ҳақ тўланадиган ишни бажариш (ўриндошлик) асосида ишлаши, шунингдек мавжуд штат бирлиги ва бошқа сабаблар ходимни тўлиқ ставкага ишга қабул қилишга имкон бермайдиган бошқа ҳолатларга татбиқ этилмайди.

2.8. Ижтимоий йўналтирилган давлат дастурларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш ишларида фаол иштирок этиб, кам таъминланган ва кўп болали оилаларни, ишлаётган оналарни ижтимоий муҳофаза қилиш ва қўллаб-қувватлашнинг қонун ҳужжатларида кўзда тутилган чоралари амалга оширилишини таъминлайди.

2.9. Жамоа шартномасида ёки ходим билан иш берувчи ўртасидаги келишувга биноан меҳнат шартномаси бекор қилинганда (шу жумладан унинг муддати тугаши муносабати билан ҳам) ходимнинг хоҳишига кўра, йиллик асосий ва қўшимча таътилларни бериш, ундан кейин меҳнат муносабатларини бекор қилиш ҳолларини жамоа шартномаларида белгилайди.

2.10. Технологиядаги, ишлаб чиқариш ва меҳнатни ташкил этишдаги ўзгаришлар, ходимлар сони (штати) ёки иш хусусиятининг ўзгаришига олиб келган ишлар ҳажмининг қисқариши муносабати билан иш берувчи ҳисобидан ходимларни малакасини ошириш ва қайта ўқитади.

2.11. Бошқарма тасарруфидаги муассасаларда янги ходимларни ишга қабул қилишда касаба уюшма қўмитаси суҳбатидан ўтишини йўлга қўйишни жамоа шартномаси орқали белгиланади.

2.12. Айрим соғлиқни сақлаш муассасаларида тез ва кечиктириб бўлмайдиган тиббий ёрдамни ташкил қилиш мақсадида бригада усулида иш жорий қилиниши мумкин. Бригада фаолиятига уни ҳар бир аъзосининг бирдек масъулиги белгиланади, лекин бу усулда иш ташкил қилинганида ҳам бригада аъзоларининг ҳар бирининг функционал вазифалари ва лавозим йўриқномалари белгилаб қўйилган бўлиши шарт.

2.13. Ходимнинг вақтинча бошқа ишга ўтказиш ҳақидаги илтимоси, агар бу илтимос узрли сабаблар туфайли келиб чиққан ва бундай иш муассасада мавжуд бўлса, иш берувчи томонидан қаноатлантирилиши керак.

Ходимнинг ташаббуси билан вақтинча бошқа ишга ўтказиш муддати ходим ва иш берувчи ўртасидаги келишувга биноан белгиланади. Бунда амалда бажарилаётган ишга қараб ёки аввалги ўртача иш ҳақидан кам бўлмаган миқдорда меҳнат ҳақи тўланади.

Ходимнинг ташаббуси билан вақтинча бошқа ишга ўтказиш учун узрли сабаблар деб қуйидагилар ҳисобланади:

а) ҳомиладорлик;

б) оила аъзоларидан бирининг касаллиги ёки ногиронлиги туфайли парваршига муҳтожлиги;

в) ишни таълим билан қўшиб олиб борилиши;

г) ходимнинг оилавий шароитига кўра.

2.14. Пандемия даврида коронавирус инфекцияси билан зарарланиб, карантинга жойлаштирилган 14 ёшга тўлмаган боланинг ота-онаси (унинг ўрнини босувчи шахслар, васийлар, ҳомийлар) бўлган ходимлар билан меҳнат шартномаларини иш берувчининг ташаббуси билан бекор қилиш таъқиқланади.

Вилоят кенгашининг мажбуриятлари:

2.15. Ходимларни ишга қабул қилиш ва меҳнат фаолияти давомида ХМТнинг Ўзбекистон Республикаси томонидан ратификация қилинган “Зўраки ва мажбурий меҳнат тўғрисида”ги 29-сонли, “Меҳнат ва иш турлари соҳасида камситишлар тўғрисида”ги 111-Конвенцияси талабларига амал қилинишини таъминлаш.

2.16. Вилоят Кенгашлари мутахассислари томонидан мунтазам равишда меҳнат қонунчилиги бўйича, айниқса меҳнат муносабатлари, ижтимоий-иқтисодий муҳофаза, муносиб меҳнат шароитлари яратилиши юзасидан соғлиқни сақлаш идоралари, муассасаларига биргаликда маслаҳатлар, музокаралар ташкил этиш ва бажарилиши устидан назорат ўрнатишда амалий ва услубий ёрдам кўрсатиш.

2.17. Меҳнат тўғрисидаги қонун ҳужжатларига ва меҳнатни муҳофаза қилиш қоидаларига риоя этилишини текшириш ва назорат қилиш.

2.18. Меҳнат жамоаларида ижтимоий вазиятни осойишта бўлишига ёрдамлашиш, ҳуқуқий масалалар бўйича бепул маслаҳатлар бериш. Вилоят кенгаши қошида “Ишонч телефони”нинг мунтазам ишлашини таъминлаш.

Ҳамкорликдаги мажбуриятлар:

2.19. Соғлиқни сақлаш ходимларини бандлигини таъминлаш мақсадида маҳаллий меҳнат идоралари билан узвий ҳамкорлик ўрнатиш. Мазкур масалага оид маълумотларни йиғиш ва маҳаллий меҳнат идоралари билан ўзаро ҳамкорлик ишларини ташкил этишини вилоят соғлиқни сақлаш бошқармасининг масъул ходимларига, Вилоят Кенгашининг тегишли ходимларининг зиммасига юклатиш.

2.20. Асоссиз иш жойларини қисқартиришга йўл қўймаслик:

- ҳар қандай вазиятда касаба уюшмаларига қонунчиликда белгиланган муддатлардан кечиктирмай керакли маълумотларни юбориш ва қуйида кўрсатилган чораларни кўришда биргаликда музокаралар олиб бориш;

- иш берувчи ходимларни оммавий равишда ишдан озод этиш эҳтимоли тўғрисида ўз вақтида, лекин камида икки ой олдин тегишли касаба уюшмаси органига ахборот тақдим этади ва ишдан озод этиш оқибатларини енгиллаштиришга қаратилган маслаҳатли ишларни амалга оширади. Шунингдек камида икки ой олдин, ҳар бир ходимнинг касби, мутахассислиги, малакаси ва меҳнат ҳақи миқдорини кўрсатган ҳолда, бўлажак ишдан озод қилиш тўғрисидаги маълумотларни бандликка кўмаклашувчи Марказга ҳам маълум қилиши шарт.

- Бошқарма тасарруфидаги муассасалар ходимларининг рўйхатдаги сонидан камида 10 фоизининг бир вақтнинг ўзида ишдан озод этилиши ходимларни оммавий равишда ишдан озод этилиши деб ҳисобланади.

- қисқартириш натижасида ишдан озод этилган ходимларни қайта ўқитиш ва ишга жойлаштириш учун маҳаллий меҳнат органлари билан ҳамкорликда ишлаш;

- ходимларнинг ишдан бўшаш сабаблари, меҳнат шартларининг ўзгариши, уларнинг қонунийлигини таъминлаш.

2.21. Мулк шаклларининг ўзгариши (хусусийлаштириш) ҳолларида:

- хусусийлаштириш жараёнида “Давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш тўғрисида”ги Қонуннинг 8-моддасига (хусусийлаштириш комиссияларига меҳнат жамоаси вакилини киритиш) қатъий риоя қилиш;

-хусусийлаштирилган муассасаларда асосий фондлари сотилиши ва иш ўринлари қисқартирилишининг олдини олишга эришиш;

- муассаса мулкдори алмашганда, шунингдек муассаса қайта ташкил этилганда (қўшиб юборилган, бирлаштирилган, бўлиб юборилган, қайта тузилган, ажратилганда) меҳнат муносабатларини ходимнинг розилиги билан давом этилишини таъминлаш.

2.22. Тармоқ иш берувчилари томонидан ҳар бир муассасада касаба уюшма қўмитаси билан келишган ҳолда ходимлар лавозим йўриқномалари тузилади ва ҳар бир ходим ўз лавозим йўриқномаси билан таништирилиши шарт.

2.23. Тармоқда мажбурий меҳнатга йўл қўйилмайди. Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати томонидан белгилаб қўйилган умумхалқ хайрия ҳашарлари ва фавқулотда ҳолатлардаги ишлардан ташқари ходимларнинг иш ҳақларидан қонунга ҳилоф равишда маблағ ушлаб қолиш, гўза парвариши, пахтакорларга, коммунал тўловларга, текширувчиларга, ободонлаштиришга, гул ёки дарахт кўчатларини сотиб олиш ва ҳоказоларга, қонун ҳужжатларидаги тартибга риоя этмаган ҳолда ҳашар ва шанбаликларга шунингдек, ходимларнинг лавозим вазифасига кирмайдиган ишларга жалб қилинмайди.

Бундай ҳолатлар аниқланган ҳолларда тарафлар бир-бирларини бу ҳақда хабардор қиладилар, мажбурий меҳнатга йўл қўйган раҳбарларни интизомий жазога тортиш ёки тегишли давлат органлари раҳбарларига нисбатан чоралар кўрилиши бўйича биргаликда ҳаракатлар қилади.

2.24. Олий, ўрта махсус таълим муассасалари битирувчилари, Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари сафидан муддатли ҳарий хизматдан қайтган шахслар ва ижтимоий ҳимояга муҳтож аҳоли қатламларининг бошқа тоифаларини ишга жойлаштиришга ҳар томонлама кўмаклашилади.

III. ИШ ВАҚТИ ВА ДАМ ОЛИШ ВАҚТИ

Бошқарманинг мажбуриятлари:

3.1. Тиббиёт муассасасида иш ҳафтасининг куйидаги муддатлари қабул қилинади:

- раҳбар ходимлар учун 40 соат;
- нотиббий ходимлар учун 40 соат;
- тиббиёт ходимлари учун 36 соат;
- олий ва ўрта махсус ўқув юртлари профессор-ўқитувчилар учун 36 соат;
- ижтимоий ходимлар учун 36 соат;
- 16 ёшдан 18 ёшгача бўлган ходимлар учун 36 соат;
- I- ва II-гуруҳ ногиронлари бўлган ходимлар учун 36 соат;
- уч ёшга тўлмаган болалари бор аёллар учун 35 соат;
- нокулай меҳнат шароитларидаги ишларда банд бўлган ходимлар учун (Иш ўринларини меҳнат шароитлари ва асбоб-ускуналарнинг жароҳатлаш хавфлилиги юзасидан аттестациядан ўтказиш натижаларига асосан) - 36 соат;
- соғлиқни сақлаш муассасаларидаги тарбиячилар учун 30 соат;
- соғлиқни сақлаш тизимининг махсус ўқув-тарбия муассасаларидаги психологлар учун 20 соат;
- соғлиқни сақлаш муассасаларидаги 5-9 синф ўқитувчилар учун 20 соат
- соғлиқни сақлаш муассасаларидаги 1-4 синф ўқитувчилар учун 18 соат;
- соғлиқни сақлаш тизимининг махсус ўқув-тарбия муассасаларидаги логопедлар учун - 18 соат;
- амбулатория поликлиника муассасалари (поликлиникалар, амбулаториялар, диспансерлар, тиббий хоналар, станциялар, бўлимлар ва хоналар)нинг касалларнинг бутунлай амбулатория қабулида банд бўлган шифокорлари учун 33 соат;

- тиббий-меҳнат эксперт комиссиялари (ТМЭК) ва тиббий-маслаҳат комиссиялари (ТМК)нинг шифокорлари учун – 33 соат;

- поликлиникаларнинг стоматолог-шифокорлари, тиш шифокорлари ва тиш шифокорлари-протезистлари учун - 33 соат;

- бутун иш вақти давомида 200 ваттдан баланд қувватдаги ультрақиска тўлқинли частотадаги тиббиёт генераторларида ишлайдиган шифокорлар ва ўрта тиббиёт ходимлари учун - 33 соат;

- анестезиология-реанимация бўлимлари (гуруҳлари) ҳамда реанимация ва интенсив терапия палаталари шифокорлари, ўрта ва кичик тиббий ходим (шифокор-лаборант ва лаборантдан ташқари) ходимлари учун - 33 соат;

- мурдалар ва мурда материаллари билан ишлашда банд бўлган ходимлар (Врач (шу жумладан, врач-бўлим, лаборатория раҳбари), ўрта ва кичик тиббий ходим, ишлаб чиқариш хоналари фарроши) учун – 30 соат;

- Илмий-тадқиқот институтларининг прозектор ва мурдахоналарда ишловчи ходимлари, шунингдек, мурдалар ва мурда материаллари билан доимий ишлаш чоғидаги нормал, патологик ва топографик анатомия, суд тиббиёти ва оператив жарроҳлик кафедралари ходимлари учун – 30 соат;

- суд-тиббий экспертиза бюросининг мурдалар ва мурда материаллари билан ишлаш чоғидаги суд-тиббий эксперт (шу жумладан, бўлим, бўлинма раҳбари) ҳамда мурдалар ва мурда материаллари билан ишлаш чоғидаги ўрта ва кичик тиббий ходим ходимлари учун – 30 соат;

- лабораториялар, бўлинмалар ва бўлимларнинг мурда қонини ва мурда тўқималарини тайёрлаш ва консервациялашда банд бўлган ходимлари учун – 30 соат;

- гамма-терапияда ва экспериментал гамма-нурлантиришда (радиоактив препаратлар қўлланган беморларга хизмат кўрсатиш палаталарида, гамма-қурилмалар билан ишловчилар) бевосита банд бўлган ходимлар – 30 соат;

- радиоманипуляция кабинетларида ва лабораторияларида гамма-препаратлар, билан ишловчилар учун – 24 соат;

- Рентген спектрал, рентген тузилмалари таҳлил, саноат рентгенографияси қурилмаларида ва рентген панжаралари растрларини назорат қилишда бевосита банд бўлган ходимлар учун – 30 соат;

- Рентген диагностикасида, флюорографияда, визуал назоратли ротацион рентген терапияси қурилмасида бевосита банд бўлган ходимлар учун 30 соат.

3.2. Ходимни унинг розилиги билангина ишдан ташқари вақтларда ишга жалб қилиш. Бунда иш сменаси 12 соатдан ортиқ бўлган ходимларни, оғир ва зарарли меҳнат шaroитларида ишлаётган ходимларни ва 18 ёшга тўлмаган шахсларни ишдан ташқари вақтда ишга жалб қилмаслик.

3.3. МКНнинг 144-моддасида кўрсатилган ходимлар тоифалари билан бирга қуйидаги ходимларга меҳнат таътили уларнинг хоҳишига кўра ёзги ёки улар учун қулай бўлган бошқа вақтда берилади:

- а) ижтимоий аҳамиятга молик касаллик бўйича ҳисобда турган ходимларга;
- б) бетоб оила аъзосини парваришлайётган ходимларга;
- в) тижорат банкларидан ипотека кредитини олган ёш оилалар вакилларига;
- г) ишлаётган пенсионерларга.

3.4. МКНнинг 150-моддасида кўрсатилган ходимлардан ташқари қуйидаги ходимларга (1941-1945 йиллардаги уруш қатнашчилари ва имтиёзлари жиҳатидан уларга тенглаштирилган шахслар, I ва II гуруҳ ногиронлари, ўн икки ёшга тўлмаган икки ва ундан ортиқ болани тарбиялайётган аёллар)дан ташқари яна қуйидаги ходимларга уларнинг хоҳишига кўра иш хақи сақланмаган ҳолда муқаррар тартибда 14 календар кунга қадар таътил берилади:

- а) бетоб оила аъзосини парваришлайётган шахсларга;
- б) 30 ёшгача бўлган ёш оила аъзоларига;
- в) ишлаётган пенсионерларга.

Шунингдек жамоа шартномалари ва меҳнат шартномаси шартларида назарда тутилган бошқа ҳолларда.

3.5. Муассасанинг иқтисодий имкониятларини ҳисобга олган ҳолда, муассаса маблағи ва тежалган маблағлар (муассасанинг моддий рағбатлантириши ва ривожлантириши жамғармаси) ҳисобидан кўп йиллик иш стажига эга бўлган ходимларга ҳақ тўланадиган қўшимча таътиллер ва бошқа имтиёзлар беришни муассасаларда имзоланаётган жамоа шартномаларига киритиши.

3.6. Ходимларга иш кун (смена) давомида иш вақтига киритилмайдиган дам олиши ва овқатланиши учун танаффус бериши. Танаффус бериш вақти ва унинг аниқ муддати ички меҳнат тартиби қоидаларида, смена графикларида ёки ходим билан иш берувчи ўртасидаги келишувга биноан белгилаб қўйилади.

Ишлаб чиқариши шароитига кўра дам олиши ва овқатланиши учун танаффус бериши мумкин бўлмаган ишларда иш берувчи ходимга иш вақтида овқатланиб олиши имкониятини таъминлаши шарт. Бундай ишларнинг рўйхати, овқатланиши тартиби ва жойи ички меҳнат тартиби қоидаларида белгилаб қўйилади.

3.7. Иш ўринлари аттестациядан ўтказилмаган муассаса ва ташкилотларда иш ўринлари аттестациядан ўтказилгунга қадар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 1995 йил 21 декабрдаги “Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодексини амалга киритиши тартиби тўғрисида”ги қарорига, МКнинг 137-моддасига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш муассасалари ходимларининг 1996 йил 1 апрелгача белгиланган таътиллер муддатини сақлаб қолиши.

3.8. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 11 мартдаги 133-сонли қарорининг 4-8 иловаларида ҳамда 2005 йил 21 декабрдаги 276-сонли қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси давлат муассасалари тиббиёт ва фармацевтика ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш тартиби ва шартлари тўғрисидаги Низомнинг 2-иловасида келтирилган “Соғлиқ учун хавфли ва меҳнат шароитлари ўта хавфли бўлганлиги муносабати билан уларда ишлаш ходимлар тариф ставкаларига қўшимча тўлов белгилаш ҳуқуқини берадиган муассасалар ва уларнинг бўлинмалари, шунингдек лавозимлар рўйхати”да келтирилган касб ва лавозимда ишловчиларга меҳнат таътиллари муддати асосий 15 кун, қўшимча таътил муддатини камида 12 кун қилиб белгилаш ва бунга иш жойлари аттестацияси бўйича ҳулосада белгиланган қўшимчаларни қўшиган ҳолда амалга ошириши.

3.9. Тармоқ ходимларининг 15 кунлик асосий меҳнат таътилига қуйидагича қўшимча таътил муддатларини белгилаш:

- тиббиёт ва фармацевтика ходимларига - камида 9 кун;
- мутахассислар (ҳисобчи, иқтисодчи, ҳўжалик ишлар мудури, мухандис, юрист маслаҳатчи, кадрлар бўлими ходимлари ва бошқалар)га - камида 9 кун;
- ишчи касбларда ишловчи ходимлар (хайдовчи, электромонтёр, дурадгор, чилангар-сантехник, қоровул, богбон, фаррош, ховли супурувчи ва бошқалар)га - камида 3 кун.

3.10. Бошқарма тасарруфидаги ўрта махсус таълим муассасалари ҳамда малака ошириши институтлари ходимлари учун 15 кунлик асосий меҳнат таътилига қуйидагича қўшимча таътил муддатларини белгилаш:

- профессор-ўқитувчилар таркибига, шунингдек ўриндошлик асосида камида 1/3 йиллик норма ўқув ишини бажарадиган маъмурий-ўқув бўлими ходимларига - камида 33 кун;
- маъмурий ва ўқув-ёрдамчи ходимларига ходимларга - камида 9 кун;
- хизмат кўрсатувчи ва техник ходимларига – камида 3 кун.

3.11. Айрим тоифадаги ходимларга қуйидагича қўшимча таътиллер белгилаш:

- Даволаш-профилактика муассасаларининг:

а) Логопед, сурдопедагог ва ўқитувчиларига, педагог ходимларига (тарбиячи методистлар), мусиқа раҳбарлари (сил касалликлари, юқумли касалликлар муассасалари бўлими), эшитиши ва нутқдаги нуқсонли бор болалар, марказий асаб тизими шикастланган ва ақли заиф болалар муассасаларидаги), шунингдек мактаб ёшидаги шундай муассасалар педагогика (ўқув) ишлари мудирларига - камида 33 кун, мактабгача ёшдаги

шундай муассасалар педагогика (ўқув) ишлари мудирларига ҳамда вилоят ва республика шифохоналарининг таъхилий-методик бўлимлари методистларига - камида 21 кун;

б) коляскада юришни ўргатиш инструкторларига - камида 9 кун.

3.12. Кутубхоналарнинг (ўрта махсус ўқув юртлари кутубхоналари) директорлари, уларнинг илмий ишлар бўйича ўринбосарлари, филиаллар, бўлимлар, бўлинмалар, кабинетлар ва ўқув заллари мудирлари, илмий котиблар, бош ва катта библиографлар ва кутубхоначиларига – камида 9 кун қўшимча таътил белгилаш.

3.13. Айрим тоифадаги ходимларга куйидагича йиллик узайтирилган асосий таътил бериш:

- ўн саккиз ёшга тўлмаган шахсларга;
- ишлаётган I ва II гуруҳ ногиронларига – камида 30 календарь кун қилиб белгилаш ва бунга иш жойлари аттестацияси бўйича ҳулосада белгиланган қўшимчаларни қўшган ҳолда амалга ошириш.

3.14. Амалдаги қонунларда ва меъёрий ҳужжатларда (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 11 мартдаги 133-сонли қарори) назарда тутилмаган лавозимларда ишлаётган ходимларга қўшимча таътил олиш ҳуқуқини жамоа шартномаларида белгилаш.

3.15. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони билан фуқароларнинг расмий саналарни нишонлаш даврида тўлиқ дам олиши учун шароитлар яратиш, дам олиш ва байрам кунларидан оқилона фойдаланишини таъминлаш мақсадида дам олиш кунлари белгиланганда:

қўшимча дам олиш кунлари ҳар йилги меҳнат таътилининг давомийлигини Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонида эълон қилинган қўшимча дам олиш кунларидан ходим ҳақиқатда фойдаланганлигидан келиб чиқиб қисқартириш ҳисобига қопланади;

ҳар йилги меҳнат таътили даврида сақланадиган ўртача ойлик иш ҳақи миқдорини ҳисоблашда меҳнат таътилининг амалдаги давомийлиги ҳисобга олинади, унга Фармонда белгиланган қўшимча дам олиш кунлари қўшилади;

ҳар йиллик меҳнат таътилининг давомийлиги қисқартириш ҳисобга олинган ҳолда ўн беш иш кунидан кам бўлмаслиги керак;

бюджет ташкилоти ҳисобланмаган ташкилотларда қўшимча дам олиш кунлари меҳнат таътилига қўшимча бошқа кунлар билан бир қаторда молиявий имкониятлардан келиб чиққан ҳолда жамоа шартномаларида белгиланади.

3.16. Жамоа шартномасида йиллик асосий таътилни олиш ҳуқуқини берадиган иш стажини ҳисоблаб чиқишда МКнинг 142-моддаси талабларини инобатга олиш.

3.17. Ходим билан иш берувчи ўртасидаги келишувга биноан жамоа шартномасида назарда тутилган ҳолларда ходимнинг илтимосига кўра унга тўлиқсиз иш вақтини белгилаш.

3.18. Ишлаб чиқариш ёки педагогик фаолиятни илмий иш билан бирга қўшиб олиб бораётган шахсларга диссертациясини яқунлаш, шунингдек дарсликлар ва ўқув-услубий қўлланмалар ёзиш учун асосий иш жойида ўртача ойлик иш ҳақи ва лавозими сақланган ҳолда куйидагича ижодий таътиллار бериш.

- номзодлик диссертациясини ва дарсликлар ҳамда ўқув-услубий қўлланмаларни тугаллашлари учун муаллифларга 3 ойгача;

- докторлик диссертациясини тугаллаш учун 6 ойгача бўлган муддатга ижодий таътиллار бериш.

3.19. Куйидаги ҳолларда ходимларга бир марталик ҳақ тўланадиган қўшимча таътил бериш:

- яқин қариндошлари (ота-онаси, турмуш ўртоғининг ота-онаси, турмуш ўртоғи, фарзандлари, тугилган ака-укалари ва опа-сингиллари) вафот этганда - 3 кун;

- фарзанд тугилганда (отасига) - 1 кун;

- фарзандларининг никоҳ тўйларида - 3 кун;

- ходимнинг никоҳ тўйларида - 3 кун.

3.20. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1992 йил 26 июндаги 298-сонли қарорининг 3 қисмига мувофиқ ОИТС касаллигига чалинган беморларни даволаш-профилактика қилиш ва уларга хизмат кўрсатиш билан банд бўлган ҳамда иммунитет танқислик вируси билан бевосита ишловчи ходимларнинг меҳнат таътилларини 36 иш куни қилиб, касби туфайли вирус билан зарарланган ҳолларда саломатлигига етказилган зарар учун бир йўла тўланадиган пул товони миқдорларини соғлиқни сақлаш тармоғида ишловчи бир ходимнинг ўртача ойлик маошининг уч йиллик ҳажмида белгилаш.

3.21. Пандемия даврида карантин қоидалари кучайтирилганда ходимлар иш берувчилар томонидан ўз ҳисобидан таътилга мажбурий равишда йил давомида 3 ойдан ортиқ муддатга чиқариб юборилганини инобатга олиб, Солиқ Кодексининг 374-моддаси 2-бандида назарда тутилган, иш ҳақи қисман сақлаб қолинган ҳолда мажбурий таътил бериш.

Вилоят кенгашининг мажбуриятлари:

3.22. Бошқарма тасарруфидаги муассасалар ходимларининг меҳнатга ва ижтимоий-иқтисодий масалаларга оид қонун ва бошқа меъёрий ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқишида қатнашиши.

3.23. МКнинг моддалари кўрсатилган ҳолда жамоа шартномалари орқали ҳал қилиниши шарт ёки мумкин бўлган имтиёзлар ва кафолатлар рўйхатини ишлаб чиқиши ва мулкчилик шаклидан қатъи назар барча соғлиқни сақлаш муассасаларига етказилишини таъминлаш.

Ҳамкорликдаги мажбуриятлар:

3.24. Иш ҳафтаси турини белгилашда, иш вақти режимининг турли ҳил вариантларини қўллашда, муддатлари чегараси белгиланган иш вақтини ўрнатилишида, бир қатор касблар ва ишлар учун иш кунини қисқартиришида, ҳар ҳафталик дам олиши ва байрам кунларида иш берувчи ишга жалб қилиши ҳуқуқига эга бўладиган асос(ҳолат)ларни аниқлашда, шунингдек, МКга мувофиқ бартараф этилиши лозим бўлган бошқа масалаларда тармоқ муассасаларига услубий, амалий ёрдам кўрсатиши.

IV. МЕҲНАТГА ҲАҚ ТўЛАШ, КАФОЛАТЛИ ТўЛОВЛАР ВА КОМПЕНСАЦИЯ ТАРЗИДАГИ ТўЛОВЛАР

Бошқарманиннг мажбуриятлари:

4.1. Тармоқдаги барча муассасаларда ходимлар меҳнатига ҳақ тўлашда МКнинг 9-боби талабларига риоя қилинишини, тармоқдаги мулкчилик шаклидан қатъи назар, барча муассасалар ходимларига ойлик иш ҳақини Ягона тариф сеткасининг 1-разряд ставкасидан кам бўлмаган миқдорда тўланишини таъминлаш.

4.2. Бошқарма тасарруфидаги бюджет ҳисобидан молиялаштириладиган ташкилотларда ишловчи тиббиёт ходимларига меҳнат ҳақи тўлаш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикаси давлат муассасалари тиббиёт ва фармацевтика ходимлари меҳнатига ҳақ тўлашнинг тариф сеткаси”да белгиланган разрядлар асосида амалга ошириш. Республика бюджетидан ажратиладиган маблағлар ҳисобидан маҳсус унвон, кўп йиллик хизматлари учун устама ва кўшимча тўловлар, соғлиқ учун хавfli ва меҳнат шароитлари ўта хавfli бўлган муассасаларда ишловчи ходимларнинг тариф ставкаларига тўланадиган кўшимча тўловларнинг фоиз миқдорлари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 21 декабрдаги “Тиббиёт ходимлари меҳнатига ҳақ тўлашнинг такомиллаштирилган тизимини тасдиқлаш тўғрисида”ги 276-сонли қарори билан тасдиқланган “Меҳнатга ҳақ тўлаш тартиби ва шартлари тўғрисидаги Низом”га мувофиқ амалга ошириш.

4.3. Ўзбекистон Республикаси ҳудудда коронавирус инфекциясига қарши курашиш даврида тиббиёт ва бошқа ходимларга моддий рағбалантириш тўловлари амалдаги меъёрий ҳужжатларга мувофиқ тўланади.

4.4. Муассасаларда меҳнат қилаётган нотиббий ходимларнинг меҳнатига ҳақ тўлаш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 06 сентябрда 743-сон билан рўйхатга олинган “Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари ҳисобига сақланадиган ташкилотларда банд бўлган хизматчиларнинг кенг тарқалган лавозимлари ходимлари айрим тоифалари меҳнатига ҳақ тўлаш бўйича разрядлар”га асосан муассасаларда банд бўлган универсал касблар мутахассислари ва хизматчиларининг лавозим разрядларини белгиланган тартибда қуйидагича ошириб боришни таъминлаш:

1. Ташкилотнинг хўжалик ва муҳандислик-техник хизмат кўрсатиш бўйича хизмати, ташкилотнинг метрологик ва бошқа хизматлари, кадрлар бўлими бошлиғи	10
2. Архив, кутубхона, канцелярия, устахона, хўжалик мудирлари	7
3. Омбор мудир	5
4. Етакчи муҳандислар, етакчи мутахассислар, етакчи инспекторлар	9
5. Катта муҳандислар, катта мутахассислар ва катта инспекторлар	8
6. Олий маълумотли муҳандислар, мутахассислар ва инспекторлар	7
7. Олий маълумотли бўлмаган мутахассислар ва инспекторлар	6
8. Барча номлардаги механик, техниклар, операторлар ва лаборантлар	6
9. Агент, маъмур, раҳбарнинг котиби, иш юритувчи, инкассатор, ётоқхона коменданти, кассир (шу жумладан, чипта сотадиган кассир), нарядчи, табелчи, экспедитор	5
10. Рухсатнома бериш бюроси навбатчиси, ётоқхонада навбатчи, хўжалик бекаси	3

Изоҳлар:

1. Агар хизматчиларнинг лавозимлари бўйича айрим норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда меҳнатга ҳақ тўлаш бўйича юқорироқ разрядлар белгиланган бўлса, меҳнатга ҳақ юқорироқ разрядлар бўйича тўланади.

2. Ушбу жадвалда кўрсатилмаган лавозимлар учун меҳнатга ҳақ тўлаш бўйича разрядлар бюджет ташкилоти (давлат корхонаси) юритишида бўлган тегишли вазирлик (идора) томонидан Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги ҳамда Молия вазирлиги билан келишган ҳолда белгиланади.

3. Мураккаб техник ускунага хизмат кўрсатиши билан банд бўлган муҳандисларга Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги билан келишган ҳолда оширилган разряд (1 разряд юқори) белгиланиши мумкин.

4.5. Меҳнатга ҳақ тўлаш фондининг тариф қисми ва тарифга қўшимча қисми ўртасидаги мақбул нисбатни давлат томонидан ва жамоа шартномалари воситасида ўрнатилиши мумкин.

4.6. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 6 сентябрдаги 743-сонли қарори билан тасдиқланган “Туман коэффициентлари, шунингдек, йиллик қўшимча таътилнинг энг кам муддати қўлланиладиган табиий-иқлим шароитлари оғир ва ноқулай бўлган жойлар рўйхати”да кўрсатилмаган табиий-иқлим шароитлари оғир ва ноқулай бўлган айрим жойларда ишлаганлик учун устамалар ва қўшимча таътиллار қўлланилиши тўғрисидаги шартларни нобюджет ташкилотларининг жамоа шартномаларида назарда тутиш.

4.7. Бандлик ва Меҳнат муносабатлари вазирлиги, Молия вазирлиги ҳамда Ўзбекистон автомобиль транспорти агентлигининг 2019 йил 22 январдаги 2-2019/ҚҚ, 9 ва 1-103-сон қарори билан тасдиқланган “Автомобиль транспорти ҳайдовчилари меҳнатига ҳақ тўлашнинг умумий шартлари тўғрисидаги Низом” талабларига асосан қатъий риоя этиш.

Ўзбекистон Республикаси Адлия Вазирлиги томонидан 23.01.2019 йилдаги 3130-сон билан рўйхатдан ўтказилган Низом талаблари асосида ҳайдовчиларга устама ва қўшимча ҳақ белгилаш.

4.8. Бюджетдан ҳамда ўз-ўзини (аралаш) молиялаштириладиган муассасаларда ходимларнинг иш ҳақи ва ставкалари Ўзбекистон Республикасида белгиланган Ягона тариф сеткаси бўйича (вақтбай), ҳамда ишлаб топилган фойданинг 50 фоизидан кам бўлмаган миқдорида (ишбай) белгилаш, иш ҳақига бериладиган фоиз ставкаларининг аниқ миқдорини жамоа шартномаларида белгилаб қўйиш.

4.9. Акциядорлик жамиятига айлантирилган Республика ихтисослаштирилган тиббиёт марказлари ходимларини, акцияларнинг 49% бўйича тўланадиган дивидендлар ҳисобидан, уларнинг пировард молиявий натижалардаги меҳнат улушига қараб, ҳар йили моддий рағбатлантириши ҳисоб-китоби қуйидаги тартибда амалга ошириш:

- дивидендларнинг умумий қийматининг 10 % гача миқдори раҳбарлар таркибини моддий рағбатлантиришига йўналтириш;

- дивидендларнинг қолган суммасини меҳнат жамоасини моддий рағбатлантиришига йўналтириш.

4.10. Хусусий муассасаларда тиббиёт ва фармацевтика ходимлари тариф ставкаларини белгилаш тартиби, улар учун меҳнатга ҳақ тўлаш бўйича разрядлар, иши соғлиқ учун хавфлилиги ва меҳнатнинг ўта оғир шароитлари муносабати билан ходимларининг тариф ставкаларига қўшимча тўловлар, тиббиёт ва фармацевтика ходимларининг тариф ставкаларига қўшимча тўловлар ва устамалар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 21 декабрдаги 276-сон қарори билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикаси давлат муассасалари тиббиёт ва фармацевтика ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш тартиби ва шартлари тўғрисидаги Низоми” талабларида кам бўлмаган ҳолда, шунингдек, ходимларнинг пировард молиявий натижалардаги меҳнат улушига қараб белгилаш.

4.11. Табиий иқлим ва меҳнат шароитлари ноқулай бўлган жойлардаги Бошқарма тасарруфидаги мулкчилик шаклидан қатъи назар, барча муассасаларда ходимлар меҳнат ҳақи раён коэффициентлар ва устамалар белгилаш.

4.12. Соғлиқни сақлаш муассасаларида хизмат қилаётган ходимларга иш ҳақини ўз вақтида ва тўлиқ тўланишини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 19 мартдаги 88-сонли “Иш ҳақи ўз вақтида тўланишига доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорига асосан иш ҳақи тўловлари кечиктирилгани учун муассаса раҳбарларининг масъулиятини ошириш мақсадида, иш ҳақи тўловларини иш берувчининг ёки банк муассасасининг айби билан кечиктирилган ҳар бир куни учун тўланиши лозим бўлган сумманинг 0,01 фоизи миқдорида пеня тўланишини амалга ошириш.

4.13. Ходимларнинг ишга бўлган муносабатини янада яхшилаш мақсадида муассасаларни моддий рағбатлантириш ва ривожлантириш жамғармасидан қуйидаги қўшимча тўловлар берилишини таъминлаш:

- мукофот - бир йилда камида бир ойлик маоши миқдорида;

- моддий ёрдам - бир йилда бир ойлик маоши миқдорида;

- ходимларга моддий ёрдам фавқулодда ҳолларда уларнинг мурожаатига кўра ёки тегишли тиббиёт муассасаси касаба уюшмаси ташкилотининг ташаббуси билан (яқин қариндошларнинг (турмуш ўртоғи, фарзандлари, ота-она, ака, ука, опа, сингил) вафот этиши, оғир жараҳатлар олиши, касал бўлиши, табиий офатлар оқибатлари, бошқа шунга ўхшаш ҳолларда) молиявий имкониятдан келиб чиқиб, лекин Ўзбекистон Республикасида белгиланган базавий ҳисоблаш миқдорининг иш ҳақининг 2 баробаридан кам бўлмаган миқдорида берилиши мумкин.

4.14. Ўрта махсус таълим муассасалари томонидан бюджетдан ташқари тушган маблағлари ҳисобидан таълим муассасасининг етим, эҳтиёжманд талабаларига бир йилда бир марта базавий ҳисоблаш миқдорининг олти баробаригача бўлган миқдорда бирйўла тўланадиган моддий ёрдам кўрсатиши.

4.15. *Меҳнатда майиб бўлган ва касб касалликларига чалинган ходимларга тиббий меҳнат экспертизаси комиссиясининг ҳулосасига асосан санаторияларга йўлланма қийматини қисман қоплаш.*

4.16. МКнинг 180-моддасига биноан меҳнат учун рағбатлантириш барча давлат соғлиқни сақлаш муассасаларида тиббиёт, фармацевтика ва бошқа ходимларни моддий рағбатлантириш “Тиббиёт муассасасининг моддий рағбатлантириш ва ривожлантириш жамғармаси” маблағлари ҳисобига махсус комиссия қарори билан амалга ошириш.

4.17. Вақтинчалик меҳнатга лаёқатсизлик бўйича нафақалар тўлаш миқдори ходимнинг ўртача иш ҳақидан келиб чиққан ҳолда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 28 февралдаги “Вақтинчалик меҳнатга лаёқатсизлик бўйича нафақалар тўлаш чегарасини такомиллаштириш тўғрисида”ги 71-сон қарорига асосан:

- иккинчи жаҳон уруши иштирокчилари, байналминал-жангчилар ва уларга тенглаштирилган шахслар, қарамоғида 16 ёшга етмаган (18 ёшгача ўқувчилар) уч ва ундан ортиқ фарзанди бўлган шахслар, Чернобил АЭС ҳалокати оқибатларини тугатишда иштирок этганлар ва шу ҳалокат натижасида радиактив зарарланган зоналардан эвакуация қилинганлар ва кўчирилганлар, оғир касалликларга (ўткир лейкоз, аденома, саратон) дучор бўлганлар, ҳарбий хизматни ядровий полигонлар ва бошқа радиактив-ядровий объектларда ўтаган пенсия ёшидаги ногирон-ходимларга, шунингдек меҳнат жароҳати ва касб касалликлари оқибатида вақтинчалик меҳнатга лаёқатсизлик бўлган ходимларга - тўлиқ иш ҳақи миқдорида;

- ижтимоий аҳамиятга эга бўлган касалликлар бўйича рўйхатда турган ходимларга умумий иш стажига боғлиқ ҳолда - иш ҳақининг 60% дан 100% гача;

- бошқа ҳолатларда умумий иш стажига боғлиқ ҳолда - иш ҳақининг 60% дан 80% гача.

4.18. Иш вақтидан ташқари ишлар учун камида икки ҳисса миқдорда ҳақ тўлаш, тунги вақтдаги ишлар учун 22.00 дан 06.00 гача бўлган даврдаги иш вақтига бир ярим баравар миқдорда ҳақ тўлаш.

4.19. *Смена ёки навбатчилик асосида иш ташкил этиладиган соғлиқни сақлаш муассасаларида ходимларнинг навбатчилик вақтидаги соат 18.00 дан 22.00 гача бўлган даврдаги иш вақтини “кечки вақт” ёки “кечки смена” сифатида белгиланади ва бу вақтда ишнинг ҳар бир соати учун камида 1,25 баравар миқдорда ҳақ тўланади.*

4.20. *Республикада белгиланган байрамлар (1 январ, 8 март, 21 март, 9 май, 1 сентябр, 1 октябр, 8 декабр, Рўза ва Қурбон хайитларининг биринчи кунлари)да иш графиги асосида ишлаганлик ёхуд иш берувчининг фармойишига асосан шу кунларда ишга жалб этилган муассасаларнинг барча ходимларига, шунингдек дам олиш кунлари (якшанба) кунлари ишлаганлиги, ёхуд сменада турганлиги учун икки ҳисса миқдорида иш ҳақи тўлаш.*

4.21. Ходимнинг ўз меҳнат вазифаларини бажариши билан боғлиқ қўшимча харажатлар (МК 171, 172, 173-моддалар) қонун ҳужжатлари, жамоа шартномалари ва келишувлари, шунингдек меҳнат шартномаларида белгиланган шартлар ва тартибда иш берувчи томонидан қоплаш.

4.22. МКнинг 166-моддаси талабини бажариш мақсадида ходим меҳнат жамоаси манфаатларига доир вазифаларни бажариши вақтида (малака ошириш, хизмат сафарида бўлиш, тиббий кўриқдан ўтиш ва бошқа ҳолларда) тўланадиган кафолатли тўловлар миқдори ўртача иш ҳақидан кам бўлмаслигини таъминлаш.

Шунингдек, иш берувчининг ташаббуси билан ходим ихтисосликка қайта тайёрлашга юборилганда, ўқш харажатларини қоплаш ҳамда ўртача иш ҳақини сақлаб қолиш.

4.23. Ходимларнинг хизмат сафари давридаги суткалик харажатларини (малака ошириш хизмат сафари деб ҳисобланмайди) МК 171- моддаси ва Ўзбекистон Республикаси Молия, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирликларининг 2003 йил 24 июлдаги 83, 7/12-сон қўшма қарорлари билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси бўйлаб хизмат сафари тўғрисидаги йўриқномага асосан қоплаш; (Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2003 йил 29 августда 1268 рақам билан рўйхатга олинган).

4.24. Асосий ишидан ажралган ҳолда тиббиёт ходимлари малакасини ошириш курсларига юборилган тингловчиларнинг бутун ўқиш даврида асосий иш жойи бўйича ўртача ойлик иш ҳақи сақланиб қолинади;

малакасини ошириш бошқа шаҳарга юборилган тингловчиларга ўқиш жойига бир марта келиш ва кетиш, шунингдек, меҳмонхона харажатлари юборувчи томонидан қопланади.

4.25. Мулкчилик шаклидан қатъи назар, вазирлик тасарруфидаги муассасаларда ишловчи барча пенсионерларга пенсияларни тўлиқ миқдорда тўлаб берилади.

4.26. Тиббиёт муассасасининг моддий рағбатлантириш ва ривожлантириш жамғармасига бюджетдан ажратилиши лозим бўлган маблағни 5 % гача етказиш.

4.27. *Мулкчилик шаклидан қатъи назар, вазирлик тизимидаги муассасалар тиббий ва нотиббий ходимларнинг малака тоифасини ошириб боришга қаратилган комплекс чоратadbирларни амалга ошириш ва бунга ходимлар реал даромадларини ошириб борилишининг самарали механизми сифатида қараш.*

4.28. *Тармоқ касб-ҳунар коллежларида касаба уюшмасидаги фаолияти билан бирга ёшлар ўртасида таълим-тарбия жараёнларида бевосита иштирок этувчи талабалар касаба уюшма қўмиталари раислари маошининг мазкур ўқув юрти иқтисодий масалалар бўйича проректори (директор ўринбосари) нинг ойлик маошидан кам бўлмаган миқдорда белгилаш мақсадида жамоа шартномаларига киритиш орқали ўқув юртининг бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобидан қўмита раисининг асосий иш жойидаги иш ҳақига қўшимча устамалар белгиланиши мумкин.*

4.29. *Уйда навбатчилик ташкил этиладиган муассасаларда бундай ходимларга нисбатан навбатчилик жадвали ишлаб чиқилади, унинг муддати иш вақти меъёрига киритилади ҳамда умумий асосларда ҳақ тўланади.*

Иш графиги бўйича уйда навбатчиликда турган ходим зарурат тузилганда меҳнат вазифаларини бажаришга тайёр туриши шарт.

4.30. Тез тиббий ёрдам бригадалари ҳайдовчиларига уларга беморларни ташиш бўйича қўшимча равишда юклатилган функцияларни бажаргани учун, агар санитар штати мавжуд бўлмаса, тариф ставкасида 30 фоиз миқдорида устама тўланади.

4.31. Иш берувчининг розилиги билан ва унинг манфаатлари йўлида ходим ўзига тегишли мол-мулкдан фойдаланганда транспорт воситаларининг амортизацияси ва улардан фойдаланганлик учун қилинган харажатлар, шунингдек асбобларнинг, техник воситаларнинг ёки ўзга мол-мулкнинг амортизацияси иш берувчи ҳисобидан тўлаб берилади.

4.32. Мулк шаклидан қатъий назар тармоқда:

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 6 сентябрдаги 743-сон қарори билан тасдиқланган “Ишларнинг айрим технологик турлари, ишлаб чиқаришлар ва иқтисодий фаолият турлари бўйича ишчиларнинг тариф ставкаларини оширишнинг тармоқ коэффицентларини қўллаш тартиби ва уларнинг миқдорлари тўғрисида Низом” талаблари тадбиқ қилинишини;

кўчма ва қатнаш тусидаги ишлар учун устамалар белгиланадиган ходимлар касблари ва лавозимлари рўйхати, шунингдек, устамалар миқдори иш берувчилар томонидан касаба уюшмаси қўмитаси билан келишилган ҳолда жамоа шартномасига киритиш.

Вилоят Кенгашининг мажбуриятлари:

4.33. *Барча соғлиқни сақлаш ташкилотларида ходимларининг ижтимоий ҳимоясини таъминлаш мақсадида муассасанинг иқтисодий имкониятларидан келиб чиқиб, қонунлар ва бошқа норматив ҳужжатлар билан белгиланган нормалар ва қоидаларда кўрсатилганидан имтиёзлроқ меҳнат ва ижтимоий-иқтисодий шартларни белгилувчи жамоа шартномалари тузилишига эришиш.*

4.34. Ўрта махсус ўқув юртларида таҳсил олаётган етим, ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган имтиёзлар олиш ҳуқуқига эга бўлган талабаларга қонунчиликда белгиланган тўловларни ва имтиёзларни тўғри, тўлиқ ва ўз вақтида берилишини назорат қилиш.

Ҳамкорликдаги мажбуриятлар:

4.35. Маҳаллий бюджетлар балансида турган соғлиқни сақлаш муассасаларини маблағ билан таъминлаш даражасини таҳлил қилиш. Таҳлил натижаларига кўра ўзгартиришлар, тузатишлар киритиш учун таклифлар бериш.

4.36. Меҳнатга ҳақ тўлаш муддатларини МКнинг 161-моддаси талабига мувофиқ белгилаш.

4.37. Барча даражадаги аттестация комиссиялари таркибига касаба уюшма вакилларининг киритилишини таъминлаш.

4.38. Соҳани ривожлантиришга қўшган ҳиссаси ва эришган ютуқлари учун ходимлар ва талаба ўқувчиларни моддий ва маънавий рағбатлантириб бориш.

4.39. Кам таъминланган ва кўп болали оилалар, боқувчисини йўқотган оилалар фарзандларига ҳамда ногирон-болаларга болалар оромгоҳлари йўлланмалари қийматларини молиявий имконият даражасида иш берувчи ҳисобидан қоплаш.

4.40. Тармоқ миқёсида илмий асосланган меҳнат меъёрларини ишлаб чиқиш учун шарт-шароит яратиш орқали меъёрий негизни ривожлантириш ишларини давом эттириш.

4.41. Тармоқ тизимидаги муассасаларнинг барча номланишдаги ўқитувчилар, шунингдек, логопедлар учун иш ҳақи меҳнатга ҳақ тўлаш ягона тариф сеткаси разрядлари асосида тўланади.

4.42. Тармоқ тизимидаги муассасалар қоровуллар меҳнатига ҳақ тўлашда талаб этиладиган касбий талабларни бажариш даражасидан келиб чиққан ҳолда разрядларини қуйидагича белгилаш:

- меҳнат стажси 1 йилгача – 1- разряд;

- меҳнат стажси 1 йилдан ортиқ – 2- разряд.

вақтига мутаносиб тарзда амалга оширилади. Бунда иш берувчи ҳар бир ходимнинг ҳақиқатда ишлаган иш вақтини, шу жумладан иш вақтидан ташқари ишлаган вақтини ўз вақтида аниқ ҳисобга олиб бориши ва иш вақтидан ташқари ишнинг энг кўп муддати сурункасига икки кун давомида тўрт соатдан (меҳнат шароити оғир ва зарарли ишларда - бир кунда икки соатдан) ва йилига бир юз йигирма соатдан ортиқ бўлмаслигини таъминлаши лозим.

4.43. Тармоқ бўйича ходимларга иш ҳақи тўлаш вақтбай, ҳақиқатда ишлаган иш вақтига мутаносиб тарзда амалга оширилади. Бунда иш берувчи ҳар бир ходимнинг ҳақиқатда ишлаган иш вақтини, шу жумладан иш вақтидан ташқари ишлаган вақтини ўз вақтида аниқ ҳисобга олиб бориши ва иш вақтидан ташқари ишнинг энг кўп муддати сурункасига икки кун давомида тўрт соатдан (меҳнат шароити оғир ва зарарли ишларда - бир кунда икки соатдан) ва йилига бир юз йигирма соатдан ортиқ бўлмаслигини таъминлаши лозим.

4.44. Муассасалар жамоа шартномаларига киритиш орқали бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобидан муассасада узоқ йиллар ишлаб нафақага чиққан, ҳозирда меҳнат қилаётган, кам таъминланган ходимлари, талаба-ўқувчиларини ўзига тегишли даволаш-профилактика муассасаларида чуқурлаштирилган тиббий кўрикдан ўтказиши, даволаниши ва дам олишларини имтиёзли ҳамда bepул ташкил этиши мумкин.

4.45. Ходимнинг айбисиз юзага келган бўш туриб қолишлар учун ўртача иш ҳақининг сақланишини таъминлаш.

4.46. Бевосита тармоқ тизимида амалий фаолият билан шуғулланаётган "Халқ" ва "Хизмат кўрсатган фан арбоби" фахрий унвонлари эгалари учун тўловлар Республикада белгиланган базавий ҳисоблаш миқдорининг 3 баравари, "Хизмат кўрсатган" фахрий унвони соҳиблари учун 1,6 баравари миқдорида тўлов белгилаш.

4.47. Бошқарма ва Вилоят кенгашининг қўшма қарорига асосан ҳамкорликда ўтказиладиган кўрик-танловлар, маданий-маърифий ва спорт тадбирларида, туризм ва бошқа тадбирларда иштирок этган ходимларга, тадбирларда иштирок этган даврида иш жойида ўртача иш ҳақи сақлаб қолинади.

V. МЕҲНАТ ИНТИЗОМИ

5.1. Муассасаларда иш берувчилар томонидан касаба уюшмаси билан келишилган ҳолда ходимларнинг лавозим йўриқномалари, ички меҳнат тартиби қоидалари ҳамда жамоа шартномаларини иловалари билан локал меъёрий ҳужжатлар сифатида тузилади ва меҳнат интизоми тартибга солинади ҳамда барча ходимлар таништирилиши таъминланади.

5.2. Барча муассаса ходимларига интизомий жазо чораларини қўллашда МКнинг 181, 182, 183, 184- моддалари ва ички меҳнат тартиби қоидаларига қатъи амал қилиш.

Инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилиш, меҳнат муносабатлари жараёнида ходимларнинг ҳуқуқ ва ваколатларига амал қилинишини таъминлаш мақсадида муассасаларда юридик, ходимлар бўлими ва меҳнатни муҳофаза қилиш хизмати ходимларнинг ҳамда касаба уюшмалари фаолларининг ҳуқуқий ва маънавий билимларини ошириб бориш.

5.3. МКнинг тегишли моддаларида кўзда тутилган талаблар асосида муассасаларда ички меҳнат тартиби қоидалари ишлаб чиқилишини таъминлаш.

5.4. Муассасаларда иш берувчи ва ходимлар вакилларида иборат тенг сонли якка меҳнат низолари комиссияларини тузиш (ХМТнинг Ўзбекистон Республикаси томонидан ратификация қилинган 135-Конвенцияси 3-моддасига биноан “меҳнат низолари комиссиялари аъзолари” ва “меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича вакиллар” меҳнаткашлар вакиллари сифатида эътироф этилади).

VI. МЕҲНАТНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ

Бошқарманинг мажбуриятлари:

6.1. *Бошқарма тасарруфидаги муассасаларда меҳнат қилаётган барча бўлим мудирлари ва меҳнатни муҳофаза қилиш хизмати мутахассисларини меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича ўқитишни ташкил қилади ҳамда билимларни текшириб, тегишли гувоҳномалар билан таъминлайди.*

6.2. Муассасаларда “Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги тасарруфидаги муассасаларда меҳнатни муҳофаза қилиш ва ёнғин ҳавфсизлиги бўйича ишларни ташкил этиш тўғрисидаги Низом”га асосан меҳнатни муҳофаза қилиш ишларини ташкил этиш.

6.3. *Касаба уюшмаси билан биргаликда ишлаб чиқаришда жараҳатланиш ва касб касалликларининг олдини олиш бўйича тармоқ дастурини ишлаб чиқиш ва бажарилишини таъминлаш.*

6.4. *Бошқарма тизимидаги ҳар бир муассаса ва ташкилотларда жамоа шартномаларини тузишда амалдаги қонунларга мувофиқ меҳнат муҳофазаси тадбирлари учун зарур бўлган миқдорларда маблағ ажратилишини ва уларнинг тўлиқ ўзлаштирилишини таъминлаш.*

6.5. Ходимларни ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ходисалар ва касб касалликларидан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 24 июндаги 177-сонли қарори билан тасдиқланган “Иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш қоидалари” талабларига мувофиқ ҳолда суғурта қилиш.

6.6. *Тармоқ муассасаларидаги ҳар бир иш берувчи меҳнатни муҳофаза қилиш учун зарур бўлган маблағларни қонун ҳужжатларида, жамоа шартномасида, шунингдек жамоа келишувларида ҳамда муассасанинг меҳнатни муҳофаза қилиш Битимида белгиланадиган миқдорда ажратади. Шунингдек, Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонуннинг 18-моддаси, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2009 йил 25 августдаги 1998-сон билан рўйхатга олинган “Соғлиқни сақлаш ва тиббиёт ишлаб чиқаришлари ходимлари учун махсус кийим, махсус пойабзал ва бошқа якка тартибда ҳимояланиш воситаларини бепул беришнинг Намунавий меъёрларига асосан меҳнат шароити ноқулай ишларда банд бўлган ходимларни сут, даволаш-профилактика озиқ-овқати, газланган тузли сув, шахсий ҳимоя ва гигиена воситалари ҳамда ҳар бир ходимни ойига 400 гр.дан кам бўлмаган миқдорда гигиена (ювиш) воситалари билан таъминлайди. Бундай ишларнинг рўйхати ва уларни бериш меъёрларини жамоа шартномаларида белгилайди.*

Шунингдек, барча ходимлар шахсий химоя ҳамда антисептик, дезинфекция воситалари билан таъминланади.

6.7. Ўзбекистон Республикаси Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисидаги Қонуннинг 33-моддасига ва Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 11 февралдаги 60-сонли қарори билан тасдиқланган “Ходимларга уларнинг меҳнат вазифасини бажариш билан боғлиқ ҳолда жароҳатланиши, касб касалликларига чалиниши ёки саломатликнинг бошқа хил шикастланиши туфайли етказилган зарарни тўлаш қоидалари”га асосан бир марталик нафақа тўлайди:

- ходимнинг соғлигига етказилган зарарнинг ўрнини қоплаш учун жабрланувчининг меҳнатда майиб бўлишига қадар бўлган ўртача ойлик иш ҳақига нисбатан жабрланувчи томонидан касбга оид меҳнат қобилиятини йўқотиши даражасига мувофиқ бўлган фойзалардаги ҳар ойлик тўлов, шунингдек ходимнинг икки йиллик иш ҳақидан кам бўлмаган миқдорда бир йўла бериладиган нафақа тўлови ҳамда ходимнинг соғлиги шикастланишидан келиб чиққан қўшимча харажатларни (агар у даволаниши, протез қўйдириши ва тиббий ҳамда ижтимоий ёрдамнинг бошқа турларига муҳтож деб топилган бўлса, ушбу тадбирлар билан боғлиқ харажатлар, шунингдек жабрланувчининг қайта тайёргарлиги ва тиббий хулосага мувофиқ ишга жойлаштириши учун харажатлар ва бошқа харажатлар) компенсация қилади.

- ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодиса ёки касб касаллиги оқибатида ходим вафот этган тақдирда, зарарнинг ўрни қопланиши ҳуқуқига эга бўлган шахсларга боқувчининг вафоти билан боғлиқ ҳолда етказилган зарарнинг ўрнини қоплаш учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳар ойлик тўловларни, шунингдек вафот этган ходимнинг ўртача йиллик иш ҳақининг олти бараваридан кам бўлмаган миқдорда бир йўла бериладиган нафақа тўлашни ва дафн этиш билан боғлиқ сарф-харажатларини ҳам ўз зиммасига олади.

6.8. *Иш берувчилар Меҳнат кодексининг 214-моддаси талаблари, “Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 24-моддаси талаблари асосида ходимларни дастлабки тарзда ва кейинчалик вақти-вақти билан тиббий кўрикдан беул (ВИЧ, гепатит А,В,С ва хоказолар ҳам шулар жумласидан) ўтказишни ташкил қилади.*

6.9. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 12 ноябрдаги 245-сонли қарори билан тасдиқланган “Муассасалар, ташкилотлар ва муассасаларда меҳнатни муҳофаза қилиш жамғармасини ташкил этиш ва унинг маблағларидан фойдаланиш тартиби тўғрисидаги Низом”га асосан:

нодавлат ва хўжалик ҳисобидан фаолият юритаётган муассасаларда меҳнатга ҳақ тўлаш фонднинг 2 фоизи миқдориди;

бюджетдан молиялаштириладиган муассасаларнинг моддий техника базасини ривожлантиришига модернизация қилишига ва таъмирлашга йўналтириладиган маблағнинг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдориди меҳнатни муҳофаза қилиш фондиди ташкил этади ва бу маблағлар ходимларнинг меҳнат шaroитлари ва меҳнатни муҳофаза қилиш ишларини яхшилаш, шахсий химоя воситалари билан таъминлаш, тиббий кўрикдан ўтказиш ҳамда санитария-соғломлаштириш чора-тадбирларини молиялаштириш мақсадларида сарфлайди.

6.10. *Муассаса ва ташкилотлардаги меҳнат муҳофазаси бўйича сайланган вакилларни рағбатлантириб боради.*

6.11. *Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 6 июлда 286-сонли қарори билан тасдиқланган “Ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисаларни ва ходимлар саломатлигининг бошқа хил зарарланишини текшириш ва ҳисобга олиш тўғрисидаги Низом” талабига асосан оқибати ўлим билан тугаган бахтсиз ҳодисаларни таҳлил қилади ҳамда туман (шаҳар) тиббиёт бирлашмалари, вилоят соғлиқни сақлаш бошқармалари ва Бошарма йигилишларида муҳокама қилиб боради.*

6.12. *Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши Раёсатининг 04.04.2017йил № 6-44“с” қарори билан тасдиқланган тавсияларга кўра меҳнат муҳофазаси бўйича битими тузиш ва уни молиялаштириш чораларини кўради.*

6.13. *Тиббиёт объектларини ва тиббиёт воситаларини синаш ҳамда фойдаланишига қабул қилиш бўйича комиссиялари таркибига Вилоят Кенгаши ёки ҳудудий қасаба*

уюшмалари ташкилотлари бирлашмалари меҳнатни муҳофаза қилиш хизмати ходимлари киритилишини таъминлаш.

6.14. Иш берувчи ҳар беш йилда камида бир марта “Иш ўринларини меҳнат шaroитлари ва асбоб-ускуналарнинг жароҳатлаш хавфлилиги юзасидан аттестациядан ўтказиш тартиби тўғрисидаги Низом” асосида иш ўринларини меҳнат шaroитлари ва асбоб-ускуналарнинг жароҳатлаш хавфлилиги юзасидан биринчи навбатда қуйидаги иш ўринларини аттестациядан ўтказилишини таъминлайди:

- меҳнат шaroитлари бўйича ходимларга белгиланган тартибда имтиёзлар ва компенсациялар назарда тутилган иш ўринлари (Ўзбекистон Республикаси давлат муассасалари тиббиёт ва фармацевтика ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш тартиби ва шартлари тўғрисида НИЗОМнинг 2-илоvasи);

- ногиронлар банд бўлган иш ўринлари;

- имтиёзли тарзда пенсияга чиқиш ҳуқуқини берадиган ишлаб чиқаришлар, муассасалар, ишлар, касблар ва кўрсаткичлар (ВМ 1994 й 250-сонли қарори 2-рўйхат 1 қисми, 3 рўйхат 1 қисми).

6.15. Ходимларининг сони эллик киши ва ундан ортиқ бўлган ҳар бир муассасаларда меҳнатни муҳофаза қилиш талабларига риоя этилишини таъминлаш, уларнинг бажарилиши устидан назоратни амалга ошириш мақсадида меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича хизмати мутахассиси лавозими жорий этилади.

6.16. Иш берувчи муассаса ҳудудида ва унинг ташқарисида, шунингдек иш берувчи берган транспортда ишга келиш ёки ишдан кетиш вақтида ходимнинг соғлигига меҳнат жароҳати билан етказилган зарар учун моддий жавобгар бўлади.

6.17. Пандемия даврида меҳнат шaroити зарур бўлган ва навбатчиликда вахта услубида ишловчи ходимларни ишга бориб келиши учун иш берувчи томонидан транспорт воситаси билан таъминлаш.

Вилоят Кенгашининг мажбуриятлари:

6.18. *Меҳнат муҳофазасига оид норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни экспертизадан ўтказиш.*

6.19. *Касаба уюшма аъзоларига меҳнат муҳофазаси бўйича бепул ҳуқуқий ёрдам кўрсатиб бориш.*

6.20. *Меҳнат тўғрисидаги қонун ҳужжатларига ва Меҳнатни муҳофаза қилиш қоидаларига риоя этилишини текшириш ва назорат қилиш.*

6.21. *Бошқарма тасарруфидаги муассасалар ходимларини меҳнат шaroитларини ҳамда талаба-ўқувчилари учун ўқув шaroитлари ва талабалар турар жойларида маиший шaroитларини яхшилашга кўмаклашиш.*

6.22. *Бошқарма тасарруфидаги муассасалар ходимларига, ўқув юртлари талаба-ўқувчиларига амалдаги қонун ва меъёрий ҳужжатларда ўрнатилган имтиёзлар берилиши устидан назорат олиб бориш, керак бўлган ҳолларда уларни меҳнат ҳуқуқларини ҳимоя қилиб, даъво аризаси билан судга мурожаат қилиш.*

6.23. *Меҳнатни муҳофаза қилиш масалаларида касаба уюшма фаолларига ва иш берувчи вакилларига ташкилий, ҳуқуқий ёрдам бериш ва уларни ўқитиларида кўмаклашиш.*

6.24. *Меҳнат шартномаси асосида муассасаларида ишлаётган ходимларни, иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш тўғрисидаги қонун талаблари бажарилишини назорат қилиш.*

VII. МАЪНАВИЙ-МАЪРИФИЙ ИШЛАР, ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯНИ ОММАЛАШТИРИШ ИШЛАРИ, ХОДИМЛАР ВА УЛАРНИНГ ОИЛА АЪЗОЛАРИНИ СОҒЛОМЛАШТИРИШ

Бошқарманинг мажбуриятлари:

7.1. Муассасаларда “Маънавият ва маърифат” хоналарини, кутубхоналарни Президент асарлари, Мустақиллик йилларида чоп этилган янги адабиётлар, плакатлар ҳамда техник воситалар билан таъминлаш.

7.2. Бошқарма тасарруфидаги муассасалар ходимларини, олий ва ўрта махсус ўқув юртлари талаба ва ўқувчиларининг саломатлигини мустаҳкамлаш, уларни спорт билан мунтазам шуғулланишларини таъминлаш этиши мақсадида тасарруфдаги жисмоний тарбия ва спорт иншоотларини зарур асбоб-ускуна, юмшоқ ва қаттиқ жиҳозлар билан таъминлаш.

Вилоят Кенгашининг мажбуриятлари:

7.3. Маънавият ва маърифат соҳасидаги ислохотларни давлат сиёсатининг асосий, устивор йўналиши деб ҳисоблаш ва самарадорлигини ошириш борасида тизимдаги маънавият хоналарини, кутубхоналарни Президент асарлари, ўзбек адiblари ва бугунги кун талабига биноан керакли адабиётлар билан таъминлаш даражасини ошириш. Маънавият ва маърифат соҳасидаги Давлат сиёсати, Президент Фармонлари ва ҳукумат қарорларини ҳамда маънавий-маърифий тушунчаларнинг моҳиятини оммавий ахборот воситалари орқали тарғиб қилиш.

7.4. Ёшларимизни фидоий, билимдон, ватанпарвар, соғлом тафаккурга эга бўлишлари, зоявий бўшлиққа йўл қўймаслик, гиёҳвандлик ва ОИТС касаллигининг олдини олиш бўйича мунтазам машғулотлар, тарбиявий ишлар олиб бориш, ёш ижодкорлар клубларига, спорт секцияларига жалб қилишнинг оммавийлигини таъминлаш.

7.5. Ўзбекистон Республикаси жисмоний тарбия ва спорт тўғрисидаги Қонунини, Президент Фармонлари ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг қарорларини бажариш мақсадида соҳа ходимларини, ёшларни, талабаларни, болаларни мунтазам равишда жисмоний тарбия ва спортга жалб қилиш, оммавийлигини ошириш бўйича аниқ чора-тадбирларни ҳаётга татбиқ этиш, айниқса соҳа ходимлари ва талаба-ўқувчилар ўртасида оммавий спортни ривожлантириш, мусобақалар, спартакиадалар ва Универсиадалар, спорт ўйинларини юқори савияда ўтказиш мақсадида олий ва ўрта махсус касб-ҳунар коллежлари спорт базаларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, таъмирлаш, керакли спорт жиҳозлари билан таъминлаш масалаларини шартнома ва келишувларда акс эттириш.

7.6. Санаторий-курортларга ва даволаниш масканларига касаба уюшмалари ташиқлотлари томонидан бериладиган йўлланмаларни Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши Раёсати томонидан 2013 йил 26 январдаги 9-24 сонли қарори билан тасдиқданган “Санаторий ва дам олиш уйларига бериладиган имтиёзли йўлланмалардан фойдаланишга оид Ўқиқномадар”га риоя қилинган ҳолда тақсимланишини таъминлаш.

Ҳамкорликдаги мажбуриятлар:

7.7. Ёз мавсумида ходимлар фарзандларини болалар соғломлаштириши оромгоҳларида соғломлаштирилишини ташиқил этишига қаратилган тизимли чора-тадбирларни амалга ошириб бориш.

7.8. Болалар соғломлаштириши оромгоҳларида “Меҳрибонлик” уйлари тарбияланувчиларидан етим болаларни, шунингдек Оролбўйи минтақасида истиқомат қилувчи болаларни республиканинг экология жиҳатидан қулай минтақаларида соғломлаштирилишига кўмаклашиб бориш.

7.9. Жамоа шартномалари ва келишувлар орқали кўп болали ва кам таъминланган оилалар вакилларига, уруш ва меҳнат фахрийларига соғломлаштириши учун моддий ёрдам кўрсатиб бориш.

7.10. Ҳар бир муассасада ёлғиз кексалар, пенсионерлар, ногиронлар, кам таъминланган ва кўп болали оилаларга моддий ёрдам кўрсатиши учун ҳар йили Наврўз ва

Мустақиллик байрамлари арафасида мақсадли умумхалқ хайрия хашарларини ташкил қилиш ва ўтказиш.

7.11. Ходимлар ва уларнинг оила аъзолари ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғибот қилиш мақсадида тарафлар қуйидагиларни ўз зиммасига оладилар:

а) Жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланиш учун махсус жиҳозланган хона ёки спорт майдончалари ташкил этиши, жисмоний тарбия жамоаларини тузиши ва уларнинг ишини жонлантириши;

б) Ходимларни спорт кийимлари ҳамда спорт анжомлари билан таъминлаш;

в) Технология, ишлаб чиқариш ва иш шароитларидан келиб чиқиб, ходимларга ишлаб чиқариш гимнастикаси машқларини бажариш учун иш вақтига киритиладиган махсус танаффуслар жорий этиши;

г) Ҳафтасига камида бир мартаба ходимларнинг жисмоний тарбия-оммавий спорт тадбирларида (югуриш, сузиш, футбол, волейбол, баскетбол, теннис ва бошқаларда) иштирок этишини назарда тутадиган “Саломатлик куни”ни ташкил этиши;

д) Жамоат ташкилотлари ва жамғармаларни жалб этган ҳолда, ходимлар ва уларнинг оила аъзоларини оммавий спортга, турли спорт секциялари, тўғарақларига жалб этиш ҳамда улар ўртасида спартакиадалар ва спорт турлари бўйича мусобақалар уюштириши.

е) Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг Жисмоний тарбия ва спорт бошқармаси билан алоқаларни мустаҳкамлаш.

ё) Соғлом турмуш тарзи ва оммавий спортни ривожлантириш мақсадида меҳнат жамоаларида фаолият юритаётган ходимга “Спорт тарғиботчиси” қўшимча вазифасини юклаш ва унинг базавий лавозим маошига 20 фоизи миқдоридида устама белгилаш.

7.12. Тармоқ ўрта махсус таълим муассасалари талаба ва ўқувчилари онгига миллий истиқлол гоясини сингдириш, маънавиятини юксалтириш мақсадида иш берувчилар ва касаба уюшма ташкилотлари томонидан ҳамкорликда йил бошида тасдиқланган махсус режа асосида ҳафтада бир мартаба, бошқа муассасаларда бир ойда камида 1 марта “Маънавият соатлари” ташкил этиш ва уларга жамоат ва фан арбоблари, олимлар, ёзувчи ва шоирларни таклиф этиш орқали мустақиллик йилларида юртимизда амалга оширилган бунёдкорлик ишлари, соғлиқни сақлаш, соғлом авлодни тарбиялаш, таълим ва бошқа ижтимоий-сиёсий ҳаётимизда юз бераётган ижобий ўзгаришлар ва янгиликлар ҳақида маълумотлар бериб бориш.

7.13. Соғлиқни сақлаш ходимлари учун бадий ҳаваскорлик танловларини, “Ҳамшира” ва бошқа касбга доир кўрик-танловларини ташкил этиш.

7.14. Бошқарма ва Вилоят Кенгашининг қўшма қарорлари асосида ўтказилган қўшма тадбирлар, танловлар иштирокчи ва голибларини муассасанинг моддий рағбатлантириш ва ривожлантириш жамғармаси ҳисобидан низомларида белгиланган миқдорда рағбатлантириб борилади.

7.15. Бошқарма тасарруфидаги муассасалар ходимлари ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш, спиртли ичимликлар ва тамаки махсулотларини истеъмол қилиш бўйича зарарли одатларга қарши биргалликда курашиш.

7.16. Йил давомида касаба уюшмалари ва иш берувчилар томонидан ходимларни республикамизнинг тарихий шаҳарларига ва ўз ҳудудларидаги диққатга сазовор жойларига саёҳатлари ташкил этиб борилади.

7.17. Бошқарма тасарруфидаги муассасаларда фаолият юритувчи Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг ҳақиқий аъзолари бир нафар кузатувчи билан бирга бир йилда бир марта ўзлари учун мақбул бўлган муддатда Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерацияси Кенгаши, республика давлат ва хўжалик бошқаруви органларининг санаторий-соғломлаштириш муассасаларида ҳамда Ялта ва Кисловодск шаҳарларидаги «Ўзбекистон» курорт-соғломлаштириш акциядорлик жамиятининг санаторийларида соғломлаштириш курсидан бепул соғломлаштириш.

7.18. 11 ноябрь – касаба уюшмалари куни деб белгиланганлиги муносабати билан ҳар йили ташкилот ва муассасаларда касаба уюшмалари кунига бағшилланган маданий-маърифий ва спорт-соғломлаштириш тадбирлари, касаба уюшмаси фаолиятига дахлдор кўрик-танловлар, конференция, форум, семинар, тренинг ва ижтимоий шериклар билан учрашувлар ўтказиши.

VIII. АЁЛЛАР МЕҲНАТИНИ ТАРТИБГА СОЛИШ, АЁЛЛАР ВА ОИЛАВИЙ ВАЗИФАЛАРНИ БАЖАРИШ БИЛАН МАШҒУЛ ШАҲСЛАРГА БЕРИЛАДИГАН ҚЎШИМЧА ИМТИЁЗЛАР ВА КАФОЛАТЛАР

Бошқарманинг мажбуриятлари:

8.1. Уч ёшга тўлмаган болалари бор аёлларга иш вақтининг ҳафтасига ўттиз беш соатдан ошмайдиган қисқартирилган муддатини белгилаш.

8.2. Ходим билан иш берувчи ўртасидаги келишувга биноан тўлиқсиз иш куни ёки иш ҳафтаси белгилаб қўйилиши мумкин. Хомиладор аёлнинг, ўн тўрт ёшга тўлмаган боласи (ўн олти ёшга тўлмаган ногирон боласи) бор аёлнинг, шу жумладан ҳомийлигида шундай боласи бор аёлнинг ёки оиланинг бетоб аъзосини парвариш қилиш билан банд бўлган шахснинг илтимосига кўра, иш берувчи тиббий хулосага мувофиқ уларга тўлиқсиз иш куни ёки тўлиқсиз иш ҳафтасини белгилаш.

8.3. Хомиладорлик ва туғиш нафақасини хомиладорлик ва туғиш таътилининг бутун даврида тўлиқ иш ҳақи миқдорида тўлаш.

8.4. Хомиладор аёлларни тиббий кўриқдан ўтишлари учун, иш берувчи томонидан уларнинг ўртача иш ҳақи сақланган ҳолда ишдан озод этиш (агар мазкур кўриқни ишдан ташқари вақтда ўтказиш имконияти бўлмаса).

8.5. Хомиладор ва боласи бор аёллар учун МКда кўзда тутилган кафолатларга риоя этилишини ҳамда имтиёзлар берилишини таъминлаш мажбуриятини ўз зиммаларига олади.

8.6. Меҳнат шароити нокулай ишларда, шунингдек ер ости ишларида аёллар меҳнатини қўлланиш тақиқлаш, ер остидаги баъзи ишлар (жисмоний бўлмаган ишлар ёки санитария ва маиший хизмат кўрсатиш ишлари) бундан мустаснодир.

Икки ва ундан ортик 12 ёшга тўлмаган фарзанди бўлган ёки 16 ёшгача ногирон фарзанди бор аёлларга 3 иш кунидан иборат бўлган ҳақ тўланадиган қўшимча таътил бериш.

8.7. Ўн тўрт ёшгача фарзанди (16 ёшгача - ногирон фарзанди) бўлган аёлларга ва хомиладор аёлларга ишлаган ҳақиқий вақтларига ҳақ тўлаган ҳолда уларнинг аризаларига кўра 20 соатдан кам бўлмаган тўлиқсиз иш ҳафтаси белгилаш.

8.8. Эмизикли фарзанди бўлган ўқув юрти талабаларига қолдирилган дарсларни қайта топшириш, ўзлаштириб олиш шартлари билан фарзандини эмизиш учун танаффуслар бериш.

Ҳамкорликдаги мажбуриятлар:

8.9. Тарафлар аёлларнинг меҳнат ҳуқуқлари ва ижтимоий кафолатларини таъминлаш борасида ХМТнинг қуйидаги Конвенцияларига оғишмай риоя этадилар:

“Зўраки ёки мажбурий меҳнат тўғрисида”ги 29-сонли Конвенция;

“Тенг аҳамиятли меҳнат учун эркаклар ва хотин-қизларга тенг ҳақ тўлаш тўғрисида”ги 100-сонли Конвенция;

“Оналиқни муҳофаза қилиш тўғрисида”ги 103-сонли Конвенция;

“Мажбурий меҳнатни тугатиш тўғрисида”ги 105-сонли Конвенция;

“Меҳнат ва иш турлари соҳасида камситишлар тўғрисида”ги 111-сонли Конвенция.

IX. ЁШЛАР УЧУН ҚЎШИМЧА ИМТИЁЗЛАР ВА КАФОЛАТЛАР

Бошқарманинг мажбуриятлари:

9.1. Таълим муассасаларида ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда ўқиб, ўқув режасини бажараётган ходимларга ҳақ тўланадиган қўшимча таътил бериш, қисқартирилган иш ҳафтасини жорий этиш ва бошқа имтиёзлардан фойдаланиш ҳуқуқини жамоа шартномаларида акс эттириш.

9.2. “Устоз-шогирд” тизимини жорий этиш борасида ҳамкорлик ишларини кучайтириш, тизимдаги коллеж битирувчиларини тўлиқ бандлигини таъминлашга эришиш ҳамда ўз иш жойларида қўнимлилиги бўйича мунтазам мониторинг олиб бориш.

9.3. Касб-ҳунар таълими муассасаларини аъло баҳоларга тугатиб, ташкилот ва муассасаларда биринчи йил меҳнат қилаётган ёш мутахассисларни моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш мақсадида молиявий имкониятдан келиб чиққан ҳолда иш берувчи ҳисобидан Республикада белгиланган базавий ҳисоблаш миқдорининг иш ҳақининг 50 фоизи миқдорида бир марталик моддий ёрдам кўрсатиш.

9.4. Касб-ҳунар таълими муассасаларини аъло баҳоларга тугатиб, муассасаларда биринчи йил меҳнат қилаётган ёш мутахассисларга имконият даражасида қўшимча ҳақ тўлашни жамоа шартномалари орқали амалга ошириш.

9.5. Узоқдан қатнаб ўқийдиган талаба ўқувчиларни талабалар турар жойларидан жой билан таъминлаш, кам таъминланган, боқувчисини йўқотган талабаларга лозим ҳолларда турар жой учун ижара нархини 50% дан кўп бўлмаган миқдорда белгилаш.

9.6. Меҳнат Кодексида ёшларга кўзда тутилган кафолатларга риоя этилишини ҳамда имтиёзлар берилишини таъминлаш мажбуриятини ўз зиммасига олади

Вилоят Кенгашининг мажбуриятлари:

9.7. “Устоз-шогирд” тизимини жорий этиш борасида ҳамкорлик ишларини кучайтириш, тизимдаги коллеж битирувчиларини тўлиқ бандлигини таъминлашга эришиш ҳамда ўз иш жойларида қўнимлилиги бўйича мунтазам мониторинг олиб бориш.

9.8. Касб-ҳунар таълими муассасаларини аъло баҳоларга тугатиб, ташкилот ва муассасаларда биринчи йил меҳнат қилаётган ёш мутахассисларни моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш мақсадида касаба уюшма маблағи ҳисобидан Республикада белгиланган базавий ҳисоблаш миқдорининг 50 фоизи миқдорида бир марталик моддий ёрдам кўрсатиш ҳамда “Устоз-шогирд” хоналарини жиҳозлашга молиявий имкониятдан келиб чиққан ҳолда қўмаклашиш.

9.9. МКнинг 84–моддасига асосан ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаларининг, ҳамда олий ўқув юр்தларининг тегишли таълим муассасини тамомлаган кундан эътиборан уч йил ичида биринчи бор ишга кираётган битирувчилари ишга қабул қилинганда дастлабки синов белгиланмаслиги устидан жамоатчилик назоратини олиб бориш.

9.10. МКнинг 247¹–моддасига асосан ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаларининг, шунингдек давлат грантлари бўйича таълим олган олий ўқув юр்தларининг тегишли таълим муассасини тамомлаган кундан эътиборан уч йил ичида биринчи бор ишга кирган битирувчилар билан меҳнат шартномаси у тузилган кундан эътиборан уч йиллик муддат ўтгунига қадар иш берувчининг ташаббусига кўра бекор қилинганда иш берувчи бу ҳақда маҳаллий меҳнат органини хабардор қилиши устидан жамоатчилик назоратини олиб бориш.

Х. ИЖТИМОИЙ ИМТИЁЗ ВА КАФОЛАТЛАР

10.1. Ҳар бир ходим учун қишги мавсумга ҳарид қиладиган қишлоқ хўжалик маҳсулотлари қийматини муассасалар молиявий имкониятларидан келиб чиққан ҳолда компенсация қилиши.

10.2. Ходим, шунингдек унинг яқин қариндошлари (ота-онаси, турмуш ўртоғи, фарзандлари) вафот этганда дафн маросимлари учун муассаса ҳисобидан транспорт хизматини кўрсатиши.

10.3. Ходим пенсияга чиқиши муносабати билан ишдан кетаётганда лавозим маошидан кам бўлмаган миқдорда бир йўла рағбатлантириши.

10.4. Юбилей ёшига етган (50, 60 ёш) ходимларни муассасанинг молиявий имкониятларидан келиб чиққан ҳолда муассаса ҳисобидан лавозим маошининг бир баравари миқдорида бир йўла мукофотлаш.

10.5. Чуқурлаштирилган тиббий кўрик ва даволанишга муҳтож ходимлар учун молиявий имкониятларидан келиб чиққан ҳолда муассаса ҳисобидан тиббий хизмат ва диагностика харажатларининг қисман (камида 50%) қийматини тўлаш (тегишли хужжатлар тақдим этилганда).

10.6. Тармоқ тизимида камида 10 йил ишлаб пенсияга чиққан, ишламаётган пенсионерларга уларнинг аризаларига биноан касаба уюшма қўмитаси билан келишилган ҳолда молиявий имкониятларидан келиб чиққан ҳолда муассаса маблағларидан йўлланма қийматини қисман тўлаш шарти билан имтиёзли йўлланмалар ажратилиши.

10.7. Ходим вафот этганда унинг оиласига Республикада ўрнатилган базавий ҳисоблаш миқдорининг 10 бараваридан кам бўлмаган миқдорида ва тизимда ишлаб пенсияга чиққан пенсионер вафот этганда унинг оиласига базавий ҳисоблаш миқдорининг 8 бараваридан кам бўлмаган миқдорида муассаса ҳисобидан моддий ёрдам бериши.

10.8. Ходимлар ва уларнинг оила аъзоларини санаторий, санаторий-профилакторияларда ва дам олиш масканларида соғломлаштириши учун муассасалар молиявий имкониятларидан келиб чиққан ҳолда маблағ ажратилиши.

10.9. Касаба уюшма органларининг асосий ишидан озод қилинган (бошилангич, бирлашган касаба уюшма қўмиталари) ходимларига моддий рағбатлантириши, хўжалик фаолиятининг асосий натижалари учун мукофотлар, рағбатлантириши, сувсизлик ва район коэффициенти ҳамда бошқа қўшимча тўловларни муассаса маблағлари ҳисобидан тегишли раҳбарлар, мутахассислар ва хизматчиларга тўланадиган миқдорларда тўлаш.

10.10. Қуйидаги мақсадлар учун муассаса ва ташиқлотлар касаба уюшма қўмиталари ҳисобига ҳар ойда муассаса ва ташиқлотлар меҳнатга ҳақ тўлаш фондининг 3 % гача маблағлар ўтказилишини таъминлаш ва уларни қуйидагиларга йўналтириши:

- маданий-оммавий, жисмоний тарбия ва спорт-соғломлаштириши тадбирларини амалга ошириши ва ривожлантириши учун;

- тармоқ ходимларини ижтимоий қўллаб-қувватлаш ва моддий ёрдам кўрсатиши учун;

- уруш ва меҳнат фахрийлари, кўп болали ва кам таъминланган оилалар ҳамда даволанишга муҳтож ходимларни зарурат тугилганда керакли санатория-курорт йўлланмалари билан таъминлаш учун;

- асосий ишидан озод қилинган касаба уюшма қўмиталари раисларининг иш ҳақлари учун касаба уюшма бюджетидан сарфланадиган маблағлар етишмаганда уларнинг иш ҳақлари учун тўланадиган маблағларнинг етишмаётган қисмини қоплаш. (Бунда ўтказиладиган маблағларнинг юқоридаги мақсадлар учун тақсимланиши миқдорлари жамоа шартномаларида белгилаб қўйилади).

10.11. Касаба уюшмаларининг меҳнат муҳофазаси бўйича ваколатли вакиллари этиб сайланган ходимлар ва меҳнат низолари комиссияси аъзолари меҳнат жамоасининг

вакиллик органи аъзоларига тенглаштирилади ва уларга мазкур келишувда белгиланган ҳуқуқ, кафолат ва имтиёзлар татбиқ этиши.

10.12. Тармоқ тизимида фаолият юритаётган ва касаба уюшма ташиклоти тузилмаган ҳамда янги ташикл этилаётган хўжалик субъектларида касаба уюшма ташиклотини тузишида ўз ваколати доирасида бошлангич ташиклотларга амалий ёрдам кўрсатиши.

10.13. Пандемия муносабати билан касаллик юқтирган ходимларининг соғлигига шикаст етказилганлиги ёки уларнинг оғир аҳволга тушиши ва соғлиги тикланмаганлиги муносабати билан иш берувчи ҳамда касаба уюшмаси ташиклоти томонидан моддий имкониятдан келиб чиққан ҳолда моддий ёрдам кўрсатиши.

10.14. Коронавирус инфекцияси билан зарарланиши ёки зарарланган деб гумон қилиниши муносабати билан карантинга жойлаштирилган ота-оналар (улар ўрнини босувчи шахслар, васийлар, ҳомийлар), шунингдек, уларнинг 14 ёшгача бўлган боласини парварши қилаётган шахсларга ўртача ойлик иш ҳақининг 100 фоизи миқдоридида вақтинчалик меҳнатга қобилиятсизлик нафақаси тўланади.

XI. КЕЛИШУВНИ АМАЛГА ОШИРИШ МЕХАНИЗМИ

11.1. Томонлар Келишув мажбуриятларининг бажарилишини назорат қилиб борадилар ва унинг натижаларини ҳар йили, камида бир маротаба қўшма мажлисларда кўриб чиқилади. Шу сабабли тарафлар ҳар йилнинг 1 март кунига Келишувни бажарилиши юзасидан комиссия аъзоларга ахборот тақдим этадилар.

11.2. Келишувнинг бажарилишини назорат қилишни, уни бажариши мобайнида юзага келадиган келишмовчиликларни ҳал этишни келишув бажарилишини назорат қилувчи комиссия амалга оширади.


11.3. Келишувга имзо чеккан томонларнинг ҳар бири уни амалга оширишида ўз ваколатлари доирасида масъулиятни тан олади ва ижтимоий шерикчилик тамойиллари асосида ҳамкорлик қилишни ўз зиммасига олади.

11.4. Келишувга имзо чекилгандан сўнг, томонлар Келишув кучга эга бўлган муддатда уни бажармаслик ёки бекор қилиш ҳуқуқига эга эмас.

11.5. Ушбу Келишув мажбуриятлари бажарилмаган ҳолларда томонлар масъул ходимларга МКнинг 181,182-моддаларига асосан жазо чоралари қўллашни талаб этишлари мумкин.

11.6. Томонлар ушбу келишувга асосан жамоа шартномаларини мувофиқлаштириши мақсадида мазкур келишувнинг нухасини барча қўйи ташиклотларига жўнатадилар.

Кашқадарё вилоят Соғлиқни
Сақлаш бошқармаси бошлиғи
Р.П.Туляков



2021 й.

Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш
ходимлари касаба уюшмаси Кашқадарё
вилоят Кенгаши раиси
Д.А.Тухтаева



2021 й.

Кашқадарё вилояти Бандлик боси босқармасыда
2021 йил 2 июлда 3-сон билан кўрашди
ўтказилди



А. Маматов